УзССР Давлат китоб палатаси
260495

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1995 йил 25 январь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. 4 (6650)

Қарор ва ижро

Халқ таълимини ривожлантириш мамлакатимиз тараққиётининг узлуксиз устивор йўналишларидан бири қилиб белгиланган. Зотан, келажаги буюк мамлакатимизнинг таянч кучи — билимли ва ишбилармон, юксак ахлоқли ва маданиятли, ватанпарвар ҳамда меҳнатсевар кадрлари таълим масканларида камол топади. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда Республикамиз Олий Кенгаши "Таълим тўғрисида" Қонун қабул қилди, Президентимиз, Республика ҳукумати таълим соҳасини равнақ топтиришга доир бир қатор фармойиш ва қарорлар чиқарди. Таълим ислоҳотини амалга оширишнинг бу муҳим дастурий ҳужжатларидаги вазифаларни бажаришда Бахмал туманида ҳам муайян натижаларга эришилаётир. Туман халқ таълими бўлимининг мудири Саидаҳмад МИРЗАБЕКОВ мухбиримизга шу ҳақда сўзлаб берди:

ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

— Бугун мактаб партасида билим асосларини ўзлаштираётган, малака кўникмаларини ҳосил қилиб, катта ҳаётга тайёргарлик кўраётган ўғил-қизлар яқин истиқболда мамлакатимиз тараққиётини ҳал этувчи қудратли кучга айланадилар. Демак, мамлакат тақдири, Ватан равнақи шу ёш авлод қўлида бўлади. Шу боис, мустақил Республикамиз раҳбарияти ёш авлоднинг камол топиши, замон талаблари асосида билим ва тарбия олиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга асосий эътиборни қаратаётир. Сўнгги йилларда қабул қилинган Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари ҳамда бошқа дастурий ҳужжатлар бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистоннинг бутун таълим тизимида бўлганидек, бугунги кунда туманимиз умумтаълим мактабларида, таълим-тарбия муассасаларида педагогик жамоалар Қонун, Фармон ва қарорларда белгилаб берилган вазифаларни оғишмай амалга ошира бориб, ўқув-тарбия жараёнини жаҳон мезонлари даражасига кўтариш учун ҳаракат қилмоқдалар. Аввало, бу иш мактабни ислоҳ қилиш бўйича Бахмал тумани халқ таълими бўлимининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунни амалга ошириш юзасидан 1993–2000 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури" асосида олиб борилмоқда.

Эндиликда таълим самарадорлигини оширишнинг бош йўли ўқув-тарбия ишига янгича ёндашиш, ўқитишнинг янги ноанъанавий усулларини, илғор тажрибаларни жорий этиш эканлиги ҳаммага аён. Бу фаолиятнинг бош ижрочиси ўқитувчидир. Шунинг учун ўқитувчи обрў-эътиборини ошириш, унинг янгича ишлаши, фикрлаши, ижодкорлик намунасини кўрсата олиши учун шарт-шароит яратиш, бозор иқтисоди шароитида уни ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари изчил рўёбга чиқарилмоқда. Бу ғамхўрликни туманимиздаги қарийб 22 минг ўғил-қизга фан асосларидан сабоқ бераётган 2200 нафардан зиёд муаллимларимиз ҳар қадамда ҳис қилмоқдалар.

Ўзбекистон Президентининг "Турли хил мактаблар ўқитувчилари, болалар уйлари тарбиячиларига бериладиган имтиёзлар ва юқори синф ўқитувчиларининг маошини ошириш тўғрисида"ги фармонини амалга ошириш туфайли туманимизда давлат ва идораларга қарашли уйларда яшовчи 135 нафар ўқитувчи ҳамда тарбиячиларнинг уйлари хусусийлаштирилиб берилди. Умумтаълим мактабларида ишлаётган 2200 дан зиёд ўқитувчи, 160 нафар болалар боғчалари ходимлари ва 100 дан ортиқ нафақахўрлар электр қуввати, газдан фойдаланишдаги имтиёзлардан баҳраманд бўлмоқдалар. Қарийб 130 нафар педагог ходимга шахсий уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилди.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, халқ таълими ходимларини бозор иқтисоди шароитида ижтимоий муҳофаза қилишга доир юртбошимиз фармонлари асосида умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия муассасалари педагогик ходимларининг иш ҳақлари ўз вақтида ошириб борилмоқда. Педагогик ходимларга бу каби қилинаётган ғамхўрликлар уларни сидқидилдан ишлашга чорлаяпти. Таълим-тарбия самарадорлигини оширишнинг янги-янги йўлларини излаш педагогик жамоаларимизнинг бош мақсадига айланганлигининг боиси ҳам ана шунда.

"Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг асосий таркибий қисми бўлган масала — иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни ўқитишга алоҳида эътибор бериш ҳам туманимизда таълим-тарбия фаолиятининг муҳим босқичига айланган. Бу борадаги ҳукуматимиз қарорини амалга ошира бориб, туман ҳокимлигининг фармойиши билан янги ўқув йилидан бошлаб 13 та мактабда айрим фанлар чуқур ўрганиладиган синфлар очилди. Бу борада ўз таянч тажриба марказимиз ҳам бор. Ўтган йили 1-ўрта мактаб қошидаги иқтидорли болалар синф-интернати негизида мактаб-интернат ташкил топган эди. 1993–1994 ўқув йилида химия-биология, физика-математика, ўзбек тили ва адабиёти чуқур ўрганиладиган 3 та 9-синфга ўқувчилар махсус танлов асосида олинди. Ш. Рашидов, Беруний ва Усмон Юсупов номли мактаблардан олий ва 1 тоифали ўқитувчилар танланиб сараланди ва мактаб-интернатга қабул қилинди. Бу ерда таълим-тарбия ишлари Республика Халқ таълими вазирлиги ўқув режалари бўйича олиб бориляпти.

Умуман, республикамиз раҳбариятининг иқтидорли ўқувчиларга алоҳида эътиборни қаратиш ҳақидаги қарорини амалга ошириш жараёнида туманимиз мактабларида ташкил этилган фанларга ихтисослашган синфлар ҳамда иқтидорли болалар мактаб-интернати муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни вилоят, Республика миқёсидаги фан олимпиадаларида туманимиз ўқувчиларининг эришган натижалари ҳам яққол кўрсатади. Агар туманимиз ўқувчилари 1992 йилда фанлар олимпиадасининг вилоят босқичида 7-ўринни эгаллашган бўлса, кейинги икки йил давомида 4-ўринни қўлдан бой бермай келишаётир. Вилоят олимпиадаларида 1-ўринни эгаллаб республика босқичида иштирок этаётган ўқувчилар сони ҳам ортиб бораяпти. 1-ўрта мактаб битирувчи синф ўқувчиси Ҳосилмурод Раҳмонов эса иқтидорли болалар республика слётида муваффақиятли қатнашиб, ёш мусаввирлар ўртасида 2-ўринни олишга муваффақ бўлди. Яна шунга ўхшаш кўплаб мисоллар мактабларимизда таълим самарадорлиги ошаётганлигидан далолатдир.

Янги турдаги ўқув муассасаларининг ривожланишига замин яратиш, ўқув-моддий базани мустаҳкамлаш, фан хоналарини таълимнинг техника воситалари билан бойитиш, айниқса, ЭҲМ ёрдамида ўқитишни кучайтириш — таълим ишини янгилашдаги муҳим ишларимиздан бўлаяпти.

Шу билан бирга "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш юзасидан тадбир ва режаларимизни ҳам изчил рўёбга чиқариш ишлари бошлаб юборилган. Ана шу мақсадда биринчи навбатда бошланғич синф ўқитувчиларини қайта тайёрлаш, ўқитиш, таълим воситаларини ҳозирлаш ишлари бу йил поёнига етказилади. Бу борадаги махсус ўқув курслари ва семинарлар самара беради, албатта.

Ёш авлодни жисмонан соғлом, чиниққан фуқаролар этиб тарбиялаш ҳам доимий эътиборимиздаги вазифадир. Ана шу мақсадда жисмоний тарбия дарслари сифатини ошириш, ўқувчиларнинг турли хил спорт мусобақаларини ташкил этиш каби ишларимиз оммавийлик касб этаётир. Айниқса, шу йил баҳорида 34, 44, 57-мактабларда "Хотира совринлари" учун ўтказилган спорт мусобақалари оммавий тус олди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга қаратилган махсус қарорини бажариш борасида ҳам туманимизда режали ишлар амалга оширилаётир. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жойларда футбол командаларини ташкил этиб, уларнинг минтақа ва туман мусобақаларини уюштираётир. Ф. Йўлдош номли 37-ўрта мактаб футбол командаси бу мусобақаларда муттасил совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ҳа, бугун ишонч билан айтиш мумкинки, республикамиз раҳбарлик ташкилотлари қарорларини изчил бажариш туманимизда халқ таълими тизимининг равнақ топишида муҳим омил бўлаётир. Шубҳасиз, бу йўналишдаги ишларимиз истиқбол тараққиётининг таянчи бўлиб қолади.





ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОЗ ТОПМОҚДА

Яқинда Тошкент давлат университети Маданият саройида "Шу азиз Ватан барчамизники" мавзуига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда "Миллий қадриятларни ўрганиш, уларни замон руҳига мослаб юксалтириш ва ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнида татбиқ қилиш" тўғрисида республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг раиси Эркин Юсупов маъруза қилди.

Музокараларда дорилфунуннинг профессор-ўқитувчилари, талабалар ва аспирантлар фаол қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Сўнгра Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовлар ҳам сўзга чиқиб, қадриятлар, таълим-тарбия борасида амалга оширилаётган муҳим ишлар хусусида сўзладилар.

Анжуман сўнгида маҳалла қариялари, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда бир гуруҳ аълочи талабаларга янги паспортлар топширилди.

Суратларда: анжумандан лавҳа.

Ҳаким СОЛИҲОВ олган сурат.

ЎҚУВЧИЛАР ПАСПОРТ ОЛИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра аҳолига янги паспорт бериш жойларида тантанали амалга ошириляпти. Китоб туманидаги А.Навоий номли мактабнинг 77 нафар юқори синф ўғил-қизларига ҳам яқинда мустақил республикамизнинг янги паспорти топширилди.

Ана шу муносабат билан бўлиб ўтган йиғилишда мактаб жамоаси қаторида маҳалла қўмиталарининг, ота-оналар кенгашининг вакиллари ҳам иштирок этишди. Тантанада туман ҳокими Озод Фармонов ёшларни миллий паспорт билан табриклаб, уларнинг ишларига омад тилади.

Эркин ШОКИРОВ.

ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 248-буйруғига биноан вазирлик қошида Иқтисодий кенгаш тузилди. Кенгашни тузишдан мақсад иқтисодий таълим соҳасидаги тадқиқотларни, тармоқни ривожлантириш дастурининг иқтисодий экспертизасини мувофиқлаштириш, тармоқда иқтисодий тажрибалар ўтказиш, бозор муносабатлари шароитида кўптузумли хўжалик юритишда ўқув юртлари ишининг янги усул ва услубларини умумлаштириш ҳамда оммалаштиришга эришишдир.

Халқ таълими вазирлиги қошидаги Иқтисодий Кенгашнинг Низоми ва кенгаш таркиби ҳам тасдиқланди. Кенгаш 31 кишидан иборат бўлиб, унинг таркибига иқтисодчи олимлар, мутахассислар, халқ таълими идораларининг раҳбар ходимлари, педагоглар киритилган. Кенгаш раиси этиб Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов, раис ўринбосари этиб вазирликнинг режа ва молия бош бошқармасининг бошлиғи Шуҳрат Ғуломов тасдиқланди.

Буйруққа кўра, республика Методика маркази ва Педагогика илмий-текшириш институти қошида халқ таълими иқтисодий бўлимлари, Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси қошида иқтисодий кенгашлар тузилади. Бу кенгашлар бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ўқув юртларида хўжалик юритишнинг янгича усул ва услубларини умумлаштириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шакллари, турли хил нормативлар, ўқув юртлари ҳамда шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари раҳбарлари малакасини ошириш юзасидан иқтисодий тажрибалар ўтказиш каби вазифаларни адо этадилар.

Умуман, Иқтисодий кенгаш таълим тизимини иқтисодий ривожлантириш тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқишда Халқ таълими вазирлигига ёрдам беради.

Андозачилик эмас, ижодкорлик керак

Ўзбекистон Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмасининг II қурултойидан

Мамлакатимиз — мустақил Ўзбекистонни тиклаб ўз бўй-бастини жаҳонга намоён этяпти. Фаол тинчликсеварлик сиёсати, жаҳон ҳамжамияти билан ишончли сиёсий, маданий ва иқтисодий ҳамкорликка интилиш юртимиз нуфузини оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қайта-қайта уқтираётганларидек, ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни кучайтириш, жамиятимизда барқарорликни мустаҳкамлаш бугунги бош вазифаларимиздир, — деди маърузачи, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Ё.Файзуллаев. — Ўз сафларида бир миллиондан зиёд аъзони бирлаштириб турган касаба уюшмамиз Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунини амалга оширишда фаол қатнашиб келмоқда. Кейинги икки йил мобайнида мамлакатимизда 300 дан ортиқ мактаблар ишга туширилди, 195 та мактаб замирида лицей ва гимназиялар ташкил этилди. 168 та кечки ёшлар мактабининг 87 таси катталар таълим марказларига айлантирилди. Бу марказларни битирувчилар ўрта маълумот олиш билан бир қаторда маълум мутахассисликни ҳам эгалламоқдалар.

Қурултой олий таълим, мактабгача тарбия тизимларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, унда касаба ташкилотларининг иштироки масаласи талабчанлик билан муҳокама қилинди. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан мактабгача тарбия муассасалари учун янги-янги бинолар қурилмоқда, "боғча-мактаб", "боғча-гимназия" мажмуи ривожланиб бормоқда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг моддий-техника замирини ривожлантириш мақсадларига 90 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб, 101 минг квадрат метр майдонга эга бўлган ўқув-азмойиш бинолари ишга туширилди.

Ҳисобот даврида мактаб ўқитувчиларининг дарс соатларини тартибга солиш, меҳнат ҳақларини ошириш, уларнинг давлатга ва ташкилотларга қарашли бўлган уй-жойларини хусусийлаштириб бериш якка тартибдаги уйлар қурилиши учун ер майдонлари ажратиш юзасидан кўп ишлар қилинди. Касаба қўмиталари Президент фармонлари жойларда қандай амалга оширилаётганлигини ҳамиша диққат марказида тутиб келдилар.

— Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар босқичида таълимнинг янги модулини қарор топтириш осон кечмаётганлиги табиий, — деди касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитасининг раиси Т.Акромова ўз сўзида. — Моддий-техника базасини мустаҳкамлаб бориш имконлари бирмунча чекланиб қолганлиги бунинг асосий сабабидир. Шуни айтиш кифояки, кейинги йилларда бир неча юз ўқитувчи ўз касбини ўзгартириб, бошқа соҳаларга ўтиб кетди.

Халқ таълими ходимлари ўзлари учун белгиланган имтиёзлардан ҳамма ерда ҳам бирдек баҳраманд бўла олмаётирлар. Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах, Бухоро, Навоий, Тошкент, Самарқанд вилоятларида ўқитувчилар қўмир билан таъминланмаганлари ҳолда товон пулини ҳам ололмаганлар. Баъзи туманларда суюлтирилган газ, электр қуввати билан таъминлашда ҳам ўзбўларчилик ҳоллари бор.

Умуман, курултойда ўқувчилар, талабалар ва халқ таълими ходимларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофазалаш масаласи батафсил кўриб чиқилди. Маърузачи ва нотиқлар бу борада жадал ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларга эътиборни қаратишди. Чунончи, бугунги кунда мактаб ўқитувчисининг ўртача маоши 254 сўмни ташкил этади. Олий ўқув юрти профессори 430, ўрта махсус ўқув юрти ўқитувчиси 250 сўм ойлик ҳақ олаяпти. Тўғри, ходимларга тўланадиган қўшимча ҳақ миқдори бирмунча оширилди. Бироқ, нарх-навонинг кўтарилиб бориши, ўқитувчиларнинг турмуш даражасини бироз пасайтириб юбормоқда. Сир эмас, бу таълим-тарбия савиясига тўғридан-тўғри таъсир қилаётир. Сўнгги бир йилда халқ таълимида ишлаб келган баъзи ўқитувчилар бошқа соҳаларга ўтиб кетдилар. Мамлакатимиз билимгоҳларида бугун айрим фанлардан ўқитувчи етишмаслиги қурултойда алоҳида ташвиш билан тилга олинди. Нотиқлар бу ҳолнинг олдини олиш чораларига алоҳида ургу беришди. Муаммоларни изчил, амалий жиҳатдан ечиш лозимлигини уқдиришди. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев, нутқи, айниқса, ибратомуз бўлди. Дарҳақиқат, бугунги тамойиллар ходимлардан ақл-идрок. билимдонлик ва тадбиркорлик фазилатларини намоён қилиб, ташаббус ва ишчанлик кўрсатиб меҳнат қилишни тақозо этяпти. Шу жиҳатдан қаралса, халқ таълими тизимининг бўғинларида, ҳатто, айрим касаба қўмиталарида ҳам янгича фикрлай олмайдиган, ҳамон эски андозалар тутқунлигида қолиб, боқимандалик қайфиятларидан қутула олмаган раҳбарлар оз эмаслиги кўзга ташланади. Бир қатор билим юртларида ички имкониятларни тобора тўлиқроқ ишга солиб, ўқитувчилар, умуман, алқ таълими ходимлари ва талабаларнинг моддий-маиший аҳволларини яхшилаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Нотиқлар нутқида ибратли тажриба масканлари кўплаб тилга олинди. Чунончи, Бухоро давлат дорилфунуни касаба қўмитасининг саъй-ҳаракати туфайли бугун 400 талаба туман йўловчи ташувчи воситаларида имтиёзли чипталардан фойдаланмоқда. Термиз, Андижон давлат университетлари, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтларида талабаларнинг кичик корхоналари самарали ишлаб турибди. Кўпгина мактаблар ўзлари ишлаб топган маблағлар ҳисобидан ходимларга қўшимча ҳақ тўлашни йўлга қўймоқдалар.

Тўғри, булар дастлабки тажрибалар бўлиб, умуман таълим тизими муаммоларини бартараф эта олмайди. Шу боис, айрим нотиқлар келажаги буюк мамлакатни барпо этиш наятини ўз олдига бош вазифа қилиб қўйган давлат, аввало, ёш авлод тарбиясига эътиборни янада кучайтириши, унинг эҳтиёжларига сергаклик билан муносабатда бўлиши лозимлигини таъкидлашди.

Хўш, касаба қўмиталари фаолиятидаги янгича тамойиллар нималарда намоён бўлмоқда? Бозор муносабатлари шароитида улар ўз ишларини қайта қуриб олаяптиларми? Янгича шароитда ишлашга касаба фаолларида малака, тажриба, қолаверса, қатъият етишаяптими?

Маърузачи ва нотиқлар қурултойда шу сингари саволларга ҳам жавоб изладилар. Маълумки, сўнгги икки-уч йилдан буён педагогик ходимларнинг меҳнат фаолияти шартнома асосида амалга оширилмоқда. Бироқ, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида бу муҳим тамойилни ҳам бачканалаштириш, унга путур етказишга уриниш ҳоллари юз бермоқда. Акс ҳолда, шу вилоятларнинг бир қатор мактабларида маъмурлар ўқитувчи жамоат ишларида қатнашиши, мактаб ер участкаларида ишлаб бериши, синф хоналарини таъмирлаши, қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этишини шартномаларга тиқиштиришга уринаётганликларини қандай баҳолаш мумкин?

Худди мана шу ўринларда касаба қўмиталари раислари, умуман, сайланма фаолларнинг билимдонлиги, энг муҳими, қатъиятлилиги тақозо этилади. Бунинг учун эса касаба фаоллари қонунларни, меъёрловчи ҳужжатларни, бу энг оммавий жамоат ташкилоти фаолиятининг кафолатларини пишиқ-пухта билиб олишлари керак. Акс ҳолда улар касаба аъзола-

Давоми 3-бетда.

"ЭКОСАН" ЎҚУВЧИЛАР МЕҲМОНИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 112-ўрта мактабда Халқаро "Экосан" жамғармаси вакиллари билан ўқувчилар учрашуви бўлиб ўтди. Йиғилишни мактаб директори Шоира Сулаймонова кириш сўзи билан очди. У илм масканида икки йилдан буён экология фани мактаб дастурига киритилгани, тажрибали ўқитувчи Маннон Набиев мазкур фандан сабоқ бераётгани, талабаларнинг бу фанга қизиқишлари тобора орта бораётгани ҳақида тўхталиб, сўнгра сўзни Халқаро "Экосан" жамғармаси Президенти, профессор Юсуфжон Шодиметовга беради.

— Ҳурматли ўқитувчилар, азиз ўқувчилар, — деди нотиқ, — Халқаро "Экосан" жамғармаси аъзолари — мақсадимиз амалга ошираётган тадбирларимиз ва галдаги режаларимиз ҳақида сизлар билан суҳбатлашиш. "Экосан" нима ўзи? Экосан — атроф-муҳит, борлиқ тўғрисида қайғурадиган жамғармадир. Дунёнинг 27 мамлакатида унинг бўлимлари пайдо бўлди. Марказий Осиёда, Туркистонда кейинги 20 йил ичида атроф-муҳит жуда ҳам бузилиб кетди. Орол денгизининг қуриб бориши, тупроқ, сув ва ҳавонинг бузилиши инсон саломатлигига, айниқса, болалар ва оналар саломатлигига, айни пайтда йигитларимизнинг бўй-бастига, соғлиғига салбий таъсир этаётир.

Шу муносабат билан биз "Экология ва саломатлик"нинг икки йиллик дастурини ишлаб чиқдик. Мазкур йилдан бошлаб "Бола — экология — соғлиқ" ҳамда "Тоза сув ва тоза ҳаво" дастурлари бўйича ҳам иш юритаяпмиз. Экологик таълим ва тарбия муаммоларига оид семинарлар ўтказяпмиз.

Соғлом турмуш тарзини яратиш учун сиз — ўқувчиларга мурожаат қиламан: экологик ҳаракатни кенг тарғиб қилинг ва сизлар унинг фаоллари бўлинг.

Учрашувда Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, академик Маҳмуд Мирзаев, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев, санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-текшириш институти директори Рикситилла Холметов ҳам сўзга чиқиб, болаларга экологик таълим-тарбия бериш борасидаги долзарб муаммолар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шундан сўнг "Экосан" вакиллари ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Учрашувда мазкур мактаб илм толибларининг республика мактаблари ўқувчиларига мурожаати қабул қилинди. Унда юртимизда "Соғлом авлод учун" ҳаракатининг давом этаётганлиги, айнан ўша соғлом авлоднинг шаклланишида ўлкамиз атроф-муҳитининг тозалиги, ҳавосининг мусаффолиги қанчалик аҳамиятга эгалиги таъкидланган. Бу эзгу ишга республикамиз мактабларининг барча ўқувчилари даъват этилган.

Дилбар ХЎЖАЕВА.

Биз XXI асрни қандай мактаб билан, қанчалик даражада шаклланган педагогика фани билан кутиб оламиз? Бу борада бугун қилишимиз лозим бўлган ишлар нималардан иборат? Шу каби саволларга республика Ўқув-методика марказида бўлиб ўтган педагогика фани ривожининг истиқболлари ва долзарб муаммоларига бағишланган илмий конференцияда шу ҳақда сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевнинг мақоласида бунга жавоб топасиз.

ПЕДАГОГИКА ФАНИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Ж. Ғ. ЙЎЛДОШЕВ,

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ халқ сайлаган биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги юксак тараққий этган мамлакатлари даражасида гуллаб-яшнатишнинг чуқур, илмий асосланган стратегияси ва тактикасини кўрсатиб берди. Танланган йўлнинг тўғри ва ҳаққоний эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаяпти. Мамлакатимиз тараққиётидаги реал ижобий силжишлар мустақил республикамизнинг келажаги буюк давлат сифатидаги қудрати ва салоҳиятини қадамба-қадам намойиш этмоқда.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган янги жамият барпо этишнинг беш тамойили бугунги кунларда ўз ҳосилини бераётир. Юртимизда давлат, жамият, инсон янгиланмоқда, барча ижтимоий жараён таълим ва маданият ўзига хос тарзда шаклланиб бораяпти.

"БУГУНГИ кунда ҳур ва озод халқимиз, — деб ёзади И. А. Каримов "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" китобида, — барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда нимаики янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интилмоқда. Ўзбек диёрида тарихда кўп марта бўлганидек, яна янгидан ўзимизниннг бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими инсонларга керакли қадриятларимиз барпо этилади...

Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлоднинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади".

Бу сўзлар таълим тизимига берилган ижтимоий буюртма бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ҳамда таълим соҳасидаги давлат сиёсатида ҳам ўз ифодасини топган.

Мустақилликкача бўлган даврда бизнинг таълим тизимларимиз жаҳоннинг илғор цивилизацияси ютуқларидан, ўз халқининг тарихий илдизларидан ажралиб қолган эди. Эндиликда бундай ҳолатни тубдан ўзгартириш пайти келди. Олдимизда амалда жаҳон фани ва маданиятининг энг илғор ютуқларини ўзида мужассамлаштирган, инсон ақл-заковати яратган бойликлардан баҳраманд бўлган янги авлодни шакллантириш вазифаси турибди. Фақат шу асосдагина миллатнинг тараққиёт сари шиддатли интилишини таъминловчи ватанпарварлик ва якдиллигини вужудга келтириш мумкин.

ҲОЗИРГИ даврда мактабларимиз олдида ўқув-тарбия жараёнининг кенг кўламда демократиялаштириш, унинг инсонпарварлик тамойилларини кучайтириш, педагог ва ўқувчилар ташаббускорлигига кенг имкониятлар очиш, болалар, ёшлар таълим-тарбиясида жиддий ижобий ўзгаришларни амалга оширишдек ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар турибди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасида педагогика фанини ривожлантиришнинг кенг ва ёркин йўлидан, яъни шахсни шакллантириш муаммоларини яхлитлигича ҳал этиш йўлидан дадил бориши зарурат бўлиб қолди.

Таълим муаммолари инсоннинг билиш, шахснинг ижтимоий жараёнларини англаб етиши билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай шароитда педагогика фани шахснинг туб қобилиятларини рўёбга чиқариш, уни фаоллаштириш имкониятини беради.

"Инсон — инсоният оламидир", "Инсоннинг ривожланиши унинг мавжудлигидир" каби тушунчалар, тафаккур ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги, шахснинг олға қараб интилишини таъминловчи, бунёдкорлик ва тараққиётнинг йўналтирувчи, таълимнинг сон ва сифат кўрсаткичларини белгилаб борувчи Педагогика фани методологиясининг фалсафий асосидир.

Инсоннинг табиат ва жамиятдаги ривожланиши педагогика фани муаммоларини фалсафий билиш предметидир.

Ижтимоий-маданий жараёнлардан ташқарида педагогика бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар қандай илмий тушунча кундалик турмуш, онг ва реал ҳаётдан бошланиб, унинг ўзига қайтади.

Педагогика фани ўз қобиғига ўралашиб қолса, ижтимоий-маданий билимлардан ташқари иккинчи даражали, тўла маънодаги майда-чуйдалар билан кифояланса, бу чуқур янглишиш, методологик жиҳатдан қўпол хатодир. Педагогикани кенг ижтимоий-маданий жараёнга олиб чиқиш керак.

Агар таълимнинг энг муҳим ижтимоий вазифаларидан бири — инсонни жамиятдаги кенг фаолиятга тайёрлашдан иборат бўлса, унда исталган жамиятдаги таълим тизимига қўйилган талаб ҳам ана шунда ифодаланади. Шу туфайли ҳам педагогика фанлари олдида инсонга бериладиган таълимнинг энг мақбул йўналишини аниқлаб, уни такомиллаштириш истиқболларини белгилаб бериш, тузумда қандай туб ўзгаришлар рўй беришидан қатъи назар, унинг жамиятда ўз ўрнини топа олишига кўмаклашишдек маълум маънони ҳал этиш вазифаси турибди. Педагогика фани инсоний фаолиятни ва унинг ривожланишини янгилаш муаммолари билан изчил шуғуллангандагина, юқорида баён этилганларни рўёбга чиқариш имкониятларини яратиб бера олади. Бундай ҳолларда педагогик тадқиқотларнинг аниқ илмий методологияси сифатида фаоллик ва изчиллик тамойиллари майдонга чиқади.

Маълумки, барчамиз "Мактаб давр билан боғлиқ, унинг инқирози шу боғлиқлик инқирозидир", "Мактаб ақл бовар қилмайдиган даражадаги ижтимоий жараён", "Мактаб — жамият кўзгуси" каби ибораларга кўникиб кетганмиз. Тўғри, мактабда жамиятда рўй бераётган барча жараёнлар кўзгудагидек акс этиб туради. Таълимнинг, шу жумладан, педагогика фанининг муҳим тавсифларидан бири — сўз билан ишнинг, мафкура билан амалиётнинг бир-бирида узилиб қолиш жараёнидир.

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, олий таълим, малака ошириш, узлуксиз таълим бўйича концепциялар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганига икки йилдан ошди. Сўзда ҳамма ҳар бир кишининг билим олишининг тарафдори, ўқув юртлари, дастурларнинг, режаларининг ранг-баранг, хилма-хил бўлиши тарафдори. Лекин амалда эса аксарият ҳолларда бунинг тескариси бўлиб чиқади. Устига-устак, педагогика фани баъзан ўта жозибали, қойилмақом ғоялар беради-ю, лекин улар мактаб ҳаёти ва амалиётига ҳеч қандай наф келтирмайди. Кўпчилик бунинг сабабини мактабларнинг ўта мутаассиб (консерватив)лиги билан боғлайдилар. Тўғри, у мутаассиб. Лекин унинг мутаассиблиги мавжуд бўлган амалдаги жараён ўрнига мактабларнинг имкониятлари ва шароитини ҳисобга олмаган ҳолда татбиқ қилишнинг имконияти бўлмаган номақбул вариантлар таклиф қилинганда намоён бўлади.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ И. А. Каримов "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" деган халқ ҳикматини тез-тез тилга олади. Бинобарин, ҳали педагогика фани янги уйни қурмаган экан, ўқитувчилар янги ғояларни амалга оширишда эскисига таянади. Янгиликка қўл уришдан олдин синалган, тажрибадан ўтган омилларга суянмоқ даркор.

Тарозининг бир палласига онгимизга мустаҳкам ўрнашиб қолган услубларни, иккинчи палласига эса аниқ, илмий асосланган, лекин мукаммал бўлмаган янгиликларни қўйсак, қайси бири оғирроқ? Албатта, амалдаги, фаолиятдаги услубларимиз. Шунинг учун ҳам янги, муқобилликка асосланган, ҳар томонлама синалган, исбот этилган, мактаб мутаассиблигини енга оладиган самарали педагогик ғояларни яратиш зарур. Педагогика фани олдида турган энг долзарб муаммо ҳам ана шундан иборат.

Таълим жараёнида янги шаклларни амалга ошириш чоғида биз ижтимоий-маданий ҳаётимиздаги услублар ворислиги ришталарини узиб юбормаслигимиз керак. Шу боис, педагогика фани олдига қўйилган саволлар шундай тузилиши мумкин: эскисининг ўрнига нимани қуриш қандай қуриш мумкин, унинг ёнига яна нима қуриш мумкин, ўрта, олий, узлуксиз таълимни ва малака ошириш ишларини илғор даражаларга олиб чиқишни таъминлай оладиган қайси тамойиллар асосида қурилишни амалга ошириш керак?

Мактаб мутаассиблигини енгмоқ учун фаннинг кучи ҳозирча камлик қилмоқда. Дарҳақиқат, мактаб таълим мазмунида мутаассибдир. Турли фанлар келиб кетдилар ва бу жараён ҳамон давом этмоқда. 1930 йилдан то ҳозирга қадар ҳеч ким, фан ҳам, мактаб деворлари ортида қайнаётган ҳаётни ва ахборот оқимларини тартибга келтира олмаган. Бундай ҳолатдан чиқиб кетишининг бирдан-бир йўли — идеал мазмундаги янги дунё ва янги педагогикани бунёд қилишдир. Бунинг учун эса, янги намунадаги, янгича қадриятлар ва янгича турмуш тарзини предметлараро аниқлаш, тадқиқ қилиш, синовдан ўтказиш лозим.

Афтидан таълимда стандартларни яратиш айнан шу йўлдан бормоғи керак. Олий таълим эса ҳозирча мактаб таълимининг мазмунида ўқувчиларни тор йўналишларда тайёрлаб, ўзларига мақбул абитуриентларни танлашдек экспансив йўлни танлаб олган.

Олий мактаб ўз ҳолича ҳақ, чунки у ихтисослаштирилган. Натижада олий мактаб учун номақбул бўлган бўлимлар ҳам, улар учун мос бўлмаган предметлар ҳам қисқартирилмоқда, энг ачинарлиси, таълим мазмунидаги умуммаданий тафаккурни, тушунчани шакллантиришга қаратилган бўлимлар олиб ташланмоқда. Ваҳоланки, таълимнинг биринчи галдаги вазифаси шахсни тарбиялашга йўналтирилган бўлиши керак.

Мактаб таълими кенг маданий доирада бўлмоғи керак. Ҳар-ҳолда чин маънодаги илмий таҳлиллар уларнинг моҳияти ва мазмуни, ўқув предметларининг фанлар ва курсларнинг йўналишларини белгилаш бўйича кам ишлар қилинаётир. Ваҳоланки, бизда бу борада ишлайдиган илмий тадқиқот институтларимиз мавжуд. Мазкур масалалар билан виждон амрига бўйсунган айрим олимлар, методист ва ижодкор ўқитувчиларгина шуғулланмоқдалар. Лекин иш ниҳоятда лоқайдлик, журъатсизлик билан кетмоқда.

Бу масалаларга алоҳида тўхталишдан мақсад шуки, ҳозирги пайтда унинг атрофида турли шов-шувлар бўлмоқда, эҳтирослар қайнамоқда ва бу ҳақиқатан ҳам педагогика фанида жуда муҳимдир. Таълимда ўқувчиларга ортиқ даражада "юк" қўйилаётганлигини бугунги кунда ўқитувчилар ҳам, ота-оналар ҳам, ҳатто ўқувчиларнинг ўзлари ҳам айтмоқдалар. Лекин у касаллик эмас — унинг аломатидир. Дарсликларни танқид қиламиз — улар бизнинг дидактик тамойилларимизу, таълим мазмунини рўёбга чиқаради, холос. Ишонтириб айтиш мумкинки, шу ва шунга ўхшаш масалаларнинг кўпчилиги иккинчи даражалидир. Булар биз мақоланинг бошида ёзганимиздек, "методологик ёндашув"ларга тўла ёндаша олмаганимизнинг оқибатларидир. 1980 йилда машҳур педагог олим М. Н. Скаткин таълим мазмунини айрим меъёрдан ортиқча кўпиртирилаётгани, предметларни парчаланиб, бўлиниб кетаётганлиги ҳақида ташвишланиб ёзган эди. Биз ҳозир худди ўша хавфли чизиқда турибмиз. Педагогика фани бугунги кунда бизнинг ўқув муассасаларимизнинг битирувчилари қандай кўникма, билим, малакага эга бўлишлари, бундан уларнинг ўзлари ва жамиятга қандай манфаатлар келтира олиши, жамиятнинг битирувчи олдига қўйган ижтимоий буюртмаси нималардан иборат бўлиши каби муаммоларни ҳал қилиб бермоғи керак. Бу ўринда сўз яна таълим стандартларига бориб тақалади. Унинг тезроқ ишлаб чиқилиши таълим мазмуни дастурини келтириб чиқаради.

Ривожланиш истиқболлари қуйидагича:

1. Ўқувчилар ҳозирги шароитда унумли меҳнат жараёнига тайёр бўлмоқлари керак. Мактабданоқ уларни ишлаб чиқаришнинг барча жабҳалари тамойилларидан воқиф қилмоқ лозим. Айни пайтда уларга оддий меҳнат қуроллари билан ишлай олиш малакасини бериш зарур. Булар ҳақида шу кунларгача сақланиб келган буюк Шарқ алломаларининг бир қатор қўлёзмаларида ҳам алоҳида қайд этилган. Уларнинг меҳнат тарбиясига оид нуқтаи назарлари ва ёндашувлари педагогик тадқиқотларни амалга оширишда асқотиши мумкин.

2. Ўқувчиларни ҳунар-техника таълими, техникумлар, коллежлар, лицейлар, олий ўқув юртларида ўқишга тайёрлаш ва шу ўқув муассасаларини ҳам узлуксиз таълим тизимига киритиш зарур.

Таълим мазмунининг марказий компоненти ўзида ғояларнинг энг мақбул мажмуасини, қадриятларни, мазмуний тасаввурни мужассамлаштириши, ана шу асосга таълимнинг тўлдирувчи йўналишлари қурилиши зарур.

Таниқли руҳшунос олим Л. С. Выготский тараққиётдан илгарилаб кетган таълимгина самарали бўлиши мумкинлигини таъкидлаган эди. Бугун бола катталар ёрдамида амалга ошираётган ишини эртага ўзи бажариши керак. Бунга болани ҳар томонлама ривожлантирадиган, уни фикрлашга ўргатадиган, қобилияти қадамба-қадам ўсишига имкон яратадиган, тафаккурининг янги-янги қирраларини очадиган таълим ва тарбияга, педагогик методларга эга бўлинган тақдирдагина эришиш мумкин. Л. С. Выготский таълимнинг олға қараб ривожланишини эътиборда тутган ҳолда буни "яқин тараққиёт зонаси" деб атайди.

3. Ўқувчида табиий-илмий, ижтимоий-ғоявий дунёқарашни шакллантириш вазифасини биргина предметнинг ўзи ҳал қилиб бера олмайди. Балки, бу борада "Жаҳон харитасининг Табиий-илмий эволюцияси" блоки зарур. Шунда фалсафа ойдинлашади. Шунда оғирлик маркази физика, химия, биол гия фанлари қонуниятларидан шу блок таркибига кўчади.

4. Ўзбек халқининг ўзига хослигини, унинг этномаданий, этнопсихологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда умумий маданиятни шакллантириш.

5. Омилкорлик ва ижодий талаб (техник, илмий, бадиий)ни шакллантириш. Халқ педагогикаси ва жаҳон педагогикаси воситалари ҳамда бойликларидан фойдаланган ҳолда ўқувчилар тафаккурини эркинликка чиқариш, уни такрорлашдан янгисини яратишга ўргатиш керак.

6. Ўқувчиларга педагогик фикрлашни ўргатиш, элементар психологик билимлар бериш лозим. Чунки бугунги ўқувчи эртага ота-она, оила бошлиғи, кўпчилиги раҳбар ва тарбиячи бўлиши мумкин.

Буни яна давом эттириш мумкин. Лекин таълим мазмуни қурилишининг бош мақсади — болалар кўз ўнгида дунё илмий манзарасини очиб бориш, унинг ҳар томонлама ва олға интилиб ривожланишини аъминлаш, ҳаётга тарбиялаб боришдан иборат. Буларнинг барчаси педагог олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топмоғи зарур. Предметлар тарқоқ ҳолдадир. Уларни блокларга бирлаштириш мақсадга мувофиқдир. Унинг мазмуни эса кўп нарсаларни таъ инлаб бериши керак. Токи бу малакалар мактабда, турмушда, мактабдан кейинги фаолиятларда ҳам қўл келсин.

Ўқувчиларга ўқишдан ишга ўтиш жараёнларини ҳам ўргатиш зарур. Бунда қуйидагилар, яъни ўз-ўзини идора қилиш, жамият қадриятлари ва ижтимоий талабларини онгли равишда ўзлаштириш, эътиқодни шакллантириш, бошқа кишиларнинг, гуруҳларнинг, жамоаларнинг ижтимоий-психологик фаолиятларини таҳлил қила билиш, фикрлаш, хотира, тасаввурни ривожлантириш шакллантирилади. унга эришиш керакки, билимлар тизими барча соҳалар ва фаолиятларнинг асоси бўлиб қолсин.

Яна предметлар муаммоси ва предмет блоклари ҳақида: биз уни, шартли равишда "Техника тарихи ва назарияси" деб атаймиз. Шу предметни мактаб ўқув жараёнига олиб кириш мумкинми ёки йўқми? У бир томондан маданият, тараққиёт тарихи билан боғлиқ бўлиши, иккинчи томондан эса, физика курси билан чамбарчас боғланган ҳолда амалга оширилиши лозим. Учинчидан, ҳозирча мавҳум фан бўлиб ке ган чизмачилик фани ҳам унинг таркибига киритилиб, реал мазмунга эга бўлиши таъминланади. Бу ҳақда олимларимиз тадқиқотлар олиб бормоқлари зарур.

МАТЕМАТИКА ҲАҚИДА. Назарий ва амалий математикани қатъият билан мактаб курсига киритишни амалга ошириш лозим. Иккинчидан, "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" курсини ҳам ихчамлаштирилган ҳолда унга олиб кириш керак Бу ўқув предметлари қайси синфдан, қандай тарзда амалга оширилишини илмий асослаб бериш олимлар ва методистларимизнинг эътиборига ҳавола.

Табиий-илмий йўналишдаги фанларга, жумладан, география ва табиёт фанлари оралиғига яна бир тўлдирувчи фанни — экологияни киритиш ҳозирги замоннинг энг долзарб масалаларидан бирини мактабда акс эттириш имкониятини берган бўлур эди. Ўз навбатида бу масалани ижтимоий-ғоявий туркумдаги — жамиятшунослик, тарих фанлари билан ҳам боғлаш мумкин.

Шундай қилиб, педагогика фани олдида интеграциялашган курслар ташкил этиш, ҳаётий фаолиятнинг тўрт муҳим жабҳасини, бўғинининг дунёқарашлар асосини белгиловчи инсон ва инсон, инсон ва жамият, инсон ва табиат, инсон ва ноосфера курсларини ташкил этиш муаммоси турибди.

Гуманитар блокдаги фанлар ҳақида алоҳида тўхталмоқ лозим. Агар бадиий-эстетик туркумдаги фанлар таълим жараёнида ўз ўрнини топмас экан, мактаб ҳеч қачон инсонпарварлаштириш йўлидан олға силжий олмайди. Бу ўринда гап маданият тарихи, адабиёт ва санъат тарихи, таъбир жоиз бўлса, меъморчилик тарихи устида кетмоқда.

ТАРИХ. Бугунги кунда у ўзининг асосий вазифаларидан бири — тарихий тафаккурни тарбиялаш вазифасини ҳал қилиб бермаяпти. Тарих воқеалар, далиллар ва ҳодисаларни, шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятини рўйирост, ҳаққоний тарзда очиб бера олгандагина чинакам тарих бўла олади. Тарихий ҳақиқатлар бузиб кўрсатилса, воқеалар ва ҳодисаларнинг туб ижтимоий, сиёсий моҳияти очиб берилмай, хаспўшланса, бу фанда тарихий жараёнга холис, адолатли баҳо берилмаса, предметнинг самарасига умид боғламаса ҳам бўлади.

ЖАМИЯТШУНОСЛИК — алоҳида муаммодир. Бу фан ўз-ўзидан яккаланиб қолган. Республикамизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар ва ислоҳотлар барча ижтимоий фанлар, шу жумладан, жамиятшунослик предметининг мазмунига ҳам алоҳида талаблар қўяди. Ёш, мустақил республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданоқ демократик ислоҳотларни дадиллик билан амалга оширмоқда, бу жараён тобора турмушга сингиб бормоқда, Президентимиз И. А. Каримов томонидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили иқтисодий жараёнга татбиқ этилмоқда, ҳуқуқий давлат барпо қилиш йўлида изланишлар қизғин амалга оширилаётир, аҳоли ижтимоий қатламлари такомиллашиб бораяпти, ички сиёсатдаги изчиллик, ёш мустақил давлатнинг тинчликсевар ташқи сиёсати, йирик халқаро масалалар, низолар, муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ таклиф ва ташаббуслар билан чиқиш, миллий сиёсатдаги холислик ва ин онпарварлик, тенг ҳуқуқийлик тамойилларини рўёбга чиқариш, айни пайтда миллий қадриятларни тиклаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича халқаро ҳужжатларда тўла риоя қилиш масалаларини оқилона ҳал этилаётганлигини жаҳон жамоатчилиги қониқиш билан эътироф этмоқда. Бу жараёнларнинг барчасини ўзида тўла акс эттириш фаннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

ОНА ТИЛИ. Бугунги кун битирувчиларининг орфографик, стилистик саводхонлиги ҳалокат ёқасида турибди. Бу эса фан мазмунини яқин муддатлар ичида қайта кўриб чиқишни талаб этади. Ўқувчи қайси ёзувда ёзишидан (кириллдами, лотиндами) қатъи назар саводхонлик малакасига эга бўлиши керак. Гап орфографик қоидаларни ёд олдиришда эмас, саводли ёза олишига эришишда, орфографик ёзув малакаларини автоматик тарзда қўллай олиш малакасини ҳосил қилишда, ўз-ўзини тўғри тузата олишда.

Келинг, жаҳон фанининг мумтоз намоёндаси психолог Л. С. Выготский фикрига қулоқ тутайлик. Унинг фикрича, болалар мактабда кўп нарсаларнинг моҳиятини англаб етмаган ҳолда, ўқитувчи таъсири ва талаби асосида вазифани бажаради. Кейинчалик у ўз фаолияти малакасига таяна бошлайди. Унинг фаолияти онгсиз, автомат тарзидаги фаолиятдан ихтиёрий, онгли, мустақил фаолиятга ўтади.

Она тили курси бўйича лоақал умуммаданий савия учун тилшуносликдан айрим назарий масалаларни элементар тарзда, бошқа тиллар юзасидан умумий маълумотлар бериш кифоядир.

Эҳтимол, чет тилларни она тили билан бирга бир блокка бирлаштириш керакдир. Ўшанда тилларни қиёсий ўрганиш, таълимнинг узвийлигини таъминлашга эришилади.

ПСИХОЛОГИЯ. Бугунги ёшларда ўзи ва бошқалар тўғрисида кўпроқ билиш хоҳиши кучлироқдир. Иқтисодий, ҳуқуқий билимларни ўрганишга бўлган иштиёқни қондириш сингари, шу истакни қондириш ҳам зарур. Бу мактаб таълими мазмунини таъминлашда педагогика фани олдида турган муаммолардандир. Бироқ, мактаб таълими услубий жиҳатдан ҳам мутаассиблигича қолмоқда. Тўғри, педагогика ва психологияда ҳам ҳамиша янги фикрлар, ғоялар туғилади. Нима учун бизнинг мактабларимизга П. П. Блонский, Л. С. Выготский, Л. В. Занков, В. В. Давидовларнинг ғоялари сингдирилмаган? Ўтмишдаги ўз олимларимизнинг ҳам ўқув-тарбия услубиёти бўйича бой мероси бўлган. Замонавий олимларимиздан қайси бири бу ғояларни сингдириш бўйича тадқиқотлар олиб бордилар ёки ўзларининг янги ғояларини тавсия этдилар? Қани бизнинг мактабларимизнинг Макаренко, Сухомлинский, Шаталовлари? Олимларимиздан ким уларнинг тажрибаларини ўрганиб, илмий асослаб, турмушга татбиқ этган? Ёки турли маданиятга эга бўлган халқларнинг интеллектуал жараёнларга ўтиш хусусиятларини олайлик. Ўзбек руҳшуносларидан қайси бири тушунчалар ва тафаккурнинг ўзбек этносидаги рефлексларнинг ўзига хослиги муаммолари устида ишламоқда? Бугун бизга фақат профессор Б. Ғ. Қодиров раҳбарлигида Термизда иқтидорлилик коэффициентини аниқлайдиган (Эй-Кю) типидаги турли хилдаги тестлар адаптацияси ва этник оқимлардаги индивидуал тафовутлар бўйича иш олиб борилаётганлиги маълум, холос.

Барча олимлар ўзбек миллий мактабларига хос таълим-тарбия усулларини ишлаб чиқишда куч-ғайратларини бирлаштирсалар, айни муддао бўлур эди. Ўшанда, образли қилиб айтганда, "буғдой яхши униб чиқса, ҳосили ҳам яхши бўлади" қабилида иш бўларди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бу соҳадаги муаммоларимиз хилма-хил ва долзарбдир. Бу муаммолар таълимимизнинг оғриқ нуқталаридир. Иккинчи томондан кўтарилаётган масалалар мураккаб ва айримлари баҳсли бўлиши мумкин. Лекин, ҳаммамизнинг йўлимиз бир. Бу йўл XXI асрда энг муносиб авлодларни тарбиялаб етиштиришга хизмат қиладиган такомиллашган педагогика фанини аъло даражада шакллантириш учун куч ва билимимизни бирлаштириш йўлидир.

Шундай экан, бу вазифаларнинг бош ижрочиси бўлган ўқитувчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш билан боғлиқ муаммолар устида тўхталишга ҳам тўғри келади.

Юқорида таълимнинг услуб ва мазмун жиҳатидан такомиллаштириш борасидаги педагогика фанининг умумий муаммолари ҳақида сўз юритилди. Уни амалга ошириш педагог шахсига, унинг тайёргарлиги ва малакасига нисбатан маълум талабларни қўймоқда. Келгусида шак-шубҳасиз, кенг касбий йўналишга эга бўлган билимдон педагогларга талаб ўсиб бораверади. Шунингдек, касб хусусиятларининг шаклланишида педагог шахсиятидаги инсон ички дунёсини тушуна билиш қобилияти, ўқувчи билан фаол ҳаракат, ҳис-ҳаяжондаги қатъиятлилик каби хусусиятлар муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий вазифаларни ўзлаштириш ва уларни сифатли равишда амалга ошириш жараёни бирмунча мураккаб ва зиддиятли жараёндир. У ўқитувчи шахсияти каби ижтимоий ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг мажмуаси сифатида ҳам асосланган.

Педагогик таълимнинг ҳар бир бўғинида ўқитувчи шахсиятининг шаклланишида ўз ўрни бор. Ўқитувчи шахсияти ҳақида гапирарканман, бунда мен ўқитувчининг касбдаги омилкорлик савиясидан тортиб, шахс, инсон сифатидаги фазилатларигача бўлган кўпгина хусусиятларини назарда тутаман.

Ўқитувчининг маҳорати педагогика олий ўқув юртида ўқиш давридаёқ шаклланиб боради, албатта. Лекин, афсуски, ҳозирча педагогика олий ўқув юртлари педагогик умумлашмаларнинг кенг миқёсини таъмин этиш мумкин бўлган ва билимни малакага кўчирувчи илмий-методологик пойдеворни яратмаяптилар. Бўлажак педагогни ўқитиш ва тарбиялашнинг орасида бўшлиқ пайдо бўлган. Педагогика олий ўқув юртларидаги таълим мазмунининг ўзи талаб даражасида ташкил этилмаган: ўқув-тарбиявий ишлар ўқитувчининг реал фаолиятини ҳамда унинг касб тайёргарлигининг асосини ифодаламайди. Ўқитувчининг тайёргарлик йўналиши ҳали унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда экан, у малакани эмас, фақат билимни текширишни дастурлаштиради, яъни бўлажак ўқитувчини бош йўналишдан чалғитади.

Олий таълимдаги бу "оғриқ" нуқталар педагогика олий ўқув юртларида ишлаётган кўпчилик олимлар учун тадқиқот предмети бўлиши мумкин эди. Масалан, Низомий номидаги ТДПИда учта махсус кенгаш докторлик ва номзодлик ишлари учун тузилган. Бу ерда 46 фан доктори, 410 фан номзоди, 7 та илмий тадқиқот лабораторияси мавжуд эканлигини таъкидлаш лозим. Хўш, улар учун ким илмий муаммоларни ҳал этиб бериши керак?

Хитоб қилгинг келади: "Келинглар, ўқитувчини шахс ва маҳорат эгаси сифатида шакллантирайлик, унинг атрофидаги муаммоларни биргаликда ҳал этайлик. Ўшанда мактабдаги кўпгина мавҳумликлар ойдинлашади". Бинобарин, ўқитувчи таълим ва тарбияда бош ижрочи, боғловчи калитдир. Олий ўқув юртларида ўқитувчилар тайёрлаш дастурлари ва ўқув режалари мазмунини қайта кўриб чиқиш зарурияти аллақачон етилди. Ўрганилаётган фанлар "номенклатура"сини ўзгартириш, ўқув соатларини уларни ўрганиш учун бўлиб ташлаш, касб-маҳоратга тайёрлаш методикасини ўзгартириш зарур.

Таъбир жоиз бўлса, шуни айтиш керакки, педагогик ўқув юртларига кирувчи абитуриентлар танлови тизимларини ҳам тубдан ўзгартириш керак. Ўқитувчи касбининг алоҳидалигини, бетакрорлигини, махсус ва ўзига хослигини эътиборга олиш зарур. Ўқитувчилик касбига тасодифий кишилар кириб қолишига йўл қўймаслик лозим.

Педагогика фанида бу йўналишдаги маълум ишланмалар бор. Фақат уларни текшириш, адаптация қилиш, эҳтимол уни мазмун жиҳатидан тўлдириш керак.

Технологик савия — бу касб маҳоратининг шаклланиши. Инсон сувда сузишни қандай ўрганса, бўлажак ўқитувчи ҳам ўзини мактабга шундай тайёрлаши лозим. Узлуксиз педагогик амалиёт педагогика олий ўқув юртлари дастурларидаги етакчи ўринлардан бирини эгаллаши зарур.

Касб маҳорати ва инсоний тафаккурнинг ривожланиши, фандаги мавжуд муаммоларни ва уларни ҳал этиш йўлларини кўра билиш қобилияти, буларнинг ҳаммаси муаммоли-эвристик савиядир. Олимлар, методистларни шунга қандай эришиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўришлари керак.

Эркин фаолият ва тараққиётнинг илгарилаб кетиши, эски қарорлардан воз кечиб, унга қарама-қарши ҳаракат қилишнинг ўзи, инновацион ўзгарувчанликдир. Концептуал савия системали тафаккурнинг ривожланишини, юксак тараққий этган онг ва ўз-ўзини англашни назарда тутади.

Касбга йўналтиришнинг назарий аспекти касб фаолиятининг барча томонлари тўғрисидаги чуқур билимларнинг шаклланишини, шу билимларга таянган ҳолда таълим олишни, назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш ва бунинг акси бўлган амалиётнинг назарияга кўчириш йўлларини ўрганишни назарда тутади. Амалий аспекти эса, эгалланган билимларни ҳаётий фаолиятнинг маълум бир соҳасида қўллашни ўрганишдан иборатдир.

Касбга йўналтиришнинг профессуал-амалиёт аспектида касб фаолияти предмети табиий ҳолда, қандай бўлса, шундайлигича амалга оширилади.

Буларнинг ҳаммаси назарий-амалий ва амалиёт йўналишини берувчи бир қатор фанларни ягона комплексга киритиш зарурятини туғдиради. Унга инсон руҳиятининг предмети мазмуни ҳақидаги, шахснинг руҳий концепцияси ҳақидаги фанларни, шунингдек, инсоннинг ёшига қараб, табақалаштирган ҳолда педагогик ва ижтимоий руҳиятига мослаб амалий фанларни киритиш мумкин. Шу билан бирга у, руҳий практикумларни ҳам ўз ичига олади. Е. С. Пасов педагогика олий ўқув юрти талабаларини тайёрлашда маданиятнинг саккиз турини, саккиз хил фанларни ўз ичига олган касбга йўналтиришнинг комплекс тамойилларини ишга солишни таклиф этади. Бунда ўқитувчилар тайёрлашнинг мазмуни касбий, амалий, руҳий, методик, тадқиқот, сиёсий (мафкуравий), маънавий ва жисмоний маданиятдан иборат бўлади.

Педагогика олий ўқув юртлари олимлари ана шу блокни ишлаб чиқишлари ва синов тариқасида уни амалиётга татбиқ этишлари лозим. Ана ўшанда биз изланиш ва ўз билимини оширишни асосий мақсад деб билган ўқитувчига эга бўламиз. Эҳтимол, биз ўз навбатида, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ҳам фаолият ва илмий изланишлар савиясини ошириш имкониятига эга бўлармиз. Ҳозир эса, у олий ўқув юртлари йўл қўйган "чала иш"ларни тўлғазиш, кўпинча, компенсаторлик таълими билан шуғулланмоқда.

Малака ошириш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва унинг такомиллашувини илмий таъминлаш тизими ҳақида менинг бир қанча фикрларим бор. Педагог кадрларни тайёрлаш, улар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муаммолари билан шуғулланувчи олимлар диққатини миллий омиллар масалаларига қаратмоқчиман. Таълим ва ўқитувчи — бу ЭТНОСнинг ижтимоий-маданий жиҳатдан қайта туғилишидир. Педагогик жараённинг миллийлиги ва ўзига хослигини ҳар томонлама ҳисобга олиш зарур.

Педагогик кадрлар тайёрлаш, улар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими касбга мослашиши, танлаган касб ичидаги узлуксиз тараққиётга мослаша оладиган, кенг маънода педагогнинг шаклланишига бўлган талабга мувофиқ ҳолда билимларнинг психологик-педагогик ва умуммиллий мавқеининг ўсиб боришида акс этмоғи лозим.

Таълимда илмий тадқиқотлар орқали ўз ечимини топадиган муаммолар жуда кўп. Жумладан, таълимни бошқариш, бозор муносабатлари шароитида халқ таълими муассасаларини моддий-техник таъминлаш ва ҳоказолар.

Асосийси эса илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш муаммосидир. Аспирантура, докторантураларни кенгайтириш, Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти қошида аниқ мавзулардаги ишланмалар, илмий тадқиқот муаммоларини мувофиқлаштириш бўйича кенгаш тузиш зарур...

Юқорида муҳокама этилиши ва мулоҳаза юритилиши лозим бўлган айрим муаммоли соҳалар ҳақида гап юритилди, холос.

Айни пайтда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, бошқа илмий тадқиқот ташкилотлари, педагогика олий ўқув юртларининг раҳбарлари, фан докторлари, номзодлар таълимнинг муҳим ва ҳал қилувчи масалаларини четлаб ўтадиган муаммолар хусусида бош қотирмасдан, аксинча, энг долзарб муаммоларни ҳал этиш йўлларини қидиришлари лозим. Бу муаммолар таълим базисида ишлангандан сўнг ўз ўрнини топиб олади.

Мен хусусий методикаларга, айрим фанларга қарши эмасман, умуман, ишни моҳият ва мазмунни аниқлаб олишдан бошлаган маъқул. Адабиёт ёки тилшуносликдаги тадқиқотларга ҳеч ким қарши эмас, лекин, келинглар, аввал мактаб ўқувчисига нимани ва қанча ўрганиши лозимлигини билиб олайлик.

Умуман олганда, педагогика фанлари методологияси борасидаги муаммоларни ҳал этишдан бошлаш, анча мақсадга мувофиқ бўлади, кейин эса, хусусий характердаги муаммоларга ўтган маъқул.

Педагогика фанидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни янада юқорироқ савияга кўтариш муҳимдир.

Билиш диалектикасининг сўнги кўринмайди. Ҳар биримизга чуқур ва ҳар томонлама билимлар зарур. Пировард натижада айнан ана шулар кишини чин маънодаги ҳақиқий билимдон, маданият эгаси (фақат дипломда эмас, амалда ҳам) қилиб етиштиради.

Инсон дунёга икки бор келади, деб айтишади, яъни биринчи бор гўдак бўлиб, қайсики, дунёни тушуниши ва идрок этиши лозим бўлган гўдак бўлиб яралади, иккинчи бор эса бекиёс кенг билималарни эгаллаган, ёркин ҳаётий мақсадга эга ва энг мушкул вазиятдан ҳам осон чиқа оладиган мустақил инсон бўлиб яралади.

Фанда эса ҳамиша айнан бир муаммога турлича қарашлар бўлади. Фақат бўлибгина қолмасдан, ўз фойдасига ҳал этилиши учун янги исботлар билан бойитилган қарашлар мавжуд бўлади. Натижада эса, илмий ҳақиқат ва фан ғалаба қилади. Ҳаммамиз биргаликда ҳақиқатга юзма-юз боришимиз лозим.

Биз ишонамиз ва умид қиламизки, мазкур мақолани ўқиб чиққан ҳар бир педагог олим, ҳар бир ўқитувчи, тарбиячи педагогик тадқиқот иши билан боғлиқ илмий ва ўқув муассасаларининг жамоалари ўз фаолиятларини қайта кўриб чиқадилар, таҳлил қиладилар, кўтарилган муаммоларни илмий ва амалий ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Андозачилик эмас, ижодкорлик керак

Боши 1-бетда.

рининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олмайдилар. Худди мана шунинг оқибатида аризабозлик, идорама-идора қатнаб ўз ҳақ-ҳуқуқини, нафсониятини ҳимоя қилиш ҳоллари камаймоқда. Жиззах, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларидаги баъзи бошланғич касаба ташкилотларидаги эътиборсизлик, лоқайдлик шикоятлар кўпайишига сабаб бўлаётир. Умуман, Марказий Қўмита ҳисобот даврида 800 та ариза ва шикоят хати олди. Уларнинг 70 фоизи ижобий ҳал этилди. Жумладан, Каттақўрғон халқ таълими бўлими ходими Фазлиевага нисбатан йўл қўйилган адолатсизлик фақат Марказий Қўмита аралашувидан кейингина барҳам топди. Нафақага чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришни сўраб берган аризасига биноан уни ишдан бўшатишган. Ҳаққоний савол туғилади: маҳаллий касаба қўмиталари қаерда эди? Қонун оёқости қилингани шундайгина кўриниб турган бир ҳолда адолатни қарор топтириш учун наҳотки, уч йил керак бўлса? Билим, малака, энг муҳими, маъмуриятчи, ўзибилармон раҳбар иродасига қарши бориш лаёқати етишмаслиги бунинг асосий сабабидир.

Қурултой қатнашчилари яна бир муҳим масалани синчковлик билан кўриб чиқишди. Бу — талаба, ўқувчи ва ходимларни соғломлаштириш муаммосидир. Бугунги кунда тармоқ 32 та санаторий-профилакторийга эга. Уларда ҳар йили 30 мингдан ортиқ талаба, ўқувчи ва ходимлар ўз саломатликларини тиклаб олмоқдалар. Ҳисобот даврида бешта олий ўқув юртида янги шифо масканлари иш бошлади.

Лекин бу соҳанинг ҳам ўз жумбоқлари йўқ эмас. Айниқса, ўқув юртлари спорт-соғломлаштириш масканларининг моддий-техника замири сust мустаҳкамланмоқда. Жорий таъмирлаш, ускуна ва жиҳозлар сотиб олишга маблағ етишмайди. Нукус ва Андижондаги санаторий-профилакторийларнинг аҳволи, айниқса, ачинарли. Қўқон педагогика институти санаторий-профилакторийсида лой билан даволаш хонасининг қурилиши уч йилдан буён давом этмоқда.

Республика бўйича тармоқ ходимларини дам олдириш ва санаторийларда даволашга бўлган эҳтиёж 30-40 фоизга қондириляпти, холос. Йўлланмалар ва йўл ҳақининг ошиб кетиши бу даражани ҳам чеклаб қўяяпти. Шу боис айрим вилоятларда ҳокимликлар билан касаба ташкилотлари ҳамкорликда амалга ошираётган чоралар ниҳоятда ибратлидир. Дам олиш масканларини биргаликда барпо этиш ана шу ҳамкорликнинг меваларидир. Чунончи, шу йўл билан Қашқадарёда "Яккабоғ", Андижонда "Дилкушо" дам олиш масканлари вужудга келтирилди. "Соғлом авлод учун" дастури асосида болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштиришга эътибор кучайтирилмоқда.

Қурултойда Ўзбекистон Касаба уюшмаларига бирлашган касаба уюшмалари Низоми билан Ҳаракат дастурининг янги лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди, уларни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар илгари сурилди.

Қурултойда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва Ўзбекистон Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг янги таркиби сайланди.

Қурултой ишида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари Қ.Рафиқов иштирок этди.

***

Ўзбекистон Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг ташкилий мажлиси бўлиб ўтди. Ё.Файзуллаев раислигида ташкилот қўмитаси сайланди.

Ғ.МАННОПОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири.
Ж.САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот ва ахборот шўъбасининг мудири.

Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

ЁДИМДАДИР У КУНЛАР

Ҳар гал туманимиз марказидаги "Беруниийлик баҳодирлар" ёдгорлиги ёнига келганимда ўша машъум урушда жасорат кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган 3 мингдан ортиқ беруниийлик қуролдошларимни эслаб, чуқур ўйга толаман, — дейди биз билан суҳбатда фахрий педагог Давлат Шеримбетов. — Уруш қанчадан қанча навқирон йигитларни нобуд қилди, юрт хонавайрон бўлди. Энди уруш бўлмасин, унинг номи ўчсин!

Фахрий педагогнинг бундай дейишига асос бор. Давлат Шеримбетов Беруний тумани Саркоп қишлоғидаги мактабда ишлаётганига икки йил тўлмаёқ уруш унинг оромини бузди. Ҳаёт-мамот жанги давом этиб турган 1942 йилнинг июнь ойида у ўз хоҳиши билан 18 ёшида Ватан ҳимоясига отланди. Давлатнинг билим ва қобилиятини билган ҳарбий қисм командирлари Саратов шаҳридаги ҳарбий билим юртига ўқишга юборди. Билим юртини битириб, кичик лейтенант унвонини олди ва фронтга жўнади. Давлат Шеримбетов 152—ўқчилар полкининг взвод командирлигига тайинланиши биланоқ унинг полкига немислар босиб олган ҳудудни қайта қўлга киритиш топшириғи берилди. Ёш командир 38 нафар аскар билан биргаликда бу жанговар топшириқни тўла уддалади... Жасур жангчининг ҳаётидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. 1943 йил 3 ноябрда Днепрни кечиб ўтиш, 6 ноябрда эса Киев шаҳрини озод қилиш жангларида у мислсиз жасорат кўрсатди. Қўмондонлик уни шу ерда Қизил Юлдуз ордени билан тақдирлади.

— Душман ишғол қилган ҳудудларни бирин-кетин озод қилиб, кетма-кет муваффақиятларга эришиб бордик, - дея ҳикоясини давом эттирди Д.Шеримбетов. — Белая Церковни, кейин Винница шаҳрини, Бобруйский станциясини озод қилишга интилиб, бир қарич ер учун ҳаёт-мамот жанглари олиб борилди. Душман артиллерияси эса тинмай ўқ ёғдирарди. Атрофимизда снарядлар даҳшат билан портлар, металл парчалари чинқириб, визиллаб ўтар, устма-уст бомбалар портлашидан еру кўк ларзага тушар, қоп-қора дуд осмонни қоплаган эди. Чанг-тўзонлар орасида ёнма-ён югуриб бораётган ўртоқларимизни аранг кўрардик.

Давлат Шеримбетов оғир жангларнинг бирида қаттиқ яраланди ва Уфа шаҳридаги ҳарбий госпиталда бир ярим ой мобайнида даволанди. Кейинчалик у Карил-фин фронтида, Польша давлати пойтахти Варшавани озод қилишда мардлик намуналарини кўрсатди. Натижада у иккинчи марта Қизил Юлдуз орденини олишга сазовор бўлди. 1945 йил Берлин остоналаридаги аёвсиз жангда душман снаряди унинг ўнг оёғини юлиб кетди. Шундан кейин у 1946 йилнинг февраль ойига қадар Смоленск шаҳридаги госпиталда даволанди.

— Қўлтиқ таёқда қишлоғимга қайтиб келдим. Севган касбим ўқитувчилик ишини давом эттирдим, — дейди у суҳбати ниҳоясида.

Давлат Шеримбетов уруш хотираларини сўзларкан, кўзлари ёшланганини сездим. Назаримда, бу кўз ёшлар шу кунларга етганлик шукронаси эди.

Ҳа, у мудҳиш уруш йиллари қонли жангларининг шоҳиди бўлган, шу сабабли ҳам урушдан сўнг меҳнат жабҳасида чинакамига фаолият кўрсатди, эл эътиборини қозонди. Унга ёш авлодни тарбиялаш борасидаги хизматлари учун "Халқ маорифи аълочиси" нишони берилди. Қўша-қўша орденлар ҳамда бир неча жанговар медаллар соҳиби, жасур жангчи ва моҳир педагог 50 йилдан ортиқ ёшларга таълим-тарбия бериб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фидойилик кўрсатди. 1993 йилдан эътиборан нафақага чиқишига қарамасдан жамоатчилик орасида, ўқувчи-ёшлар даврасида тез-тез бўлиб, инсонларни тинч, бахтиёр ҳаёт кечиришга чорлаб келмоқда. Зотан инсон учун шунинг ўзи ҳам бир давлат.

Саъдула ОЛЛОМОВ,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, халқ маорифи аълочиси

ТЕАТР — ТУЙҒУЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

Йўлдош Охунбобоев номидаги "Ёш томошабинлар" театри ижодий жамоаси республика Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда 17-18 январь кунлари "Театр ва мактаб" мавзусида семинар-кенгаш ўтказди. Унда вилоят халқ таълими Бош бошқармаларининг ходимлари, фидойи муаллимлар, толиби илмлар иштирок этишди. Кенгашда мактабда таълим-тарбия ишлари, драматургия ва театр репертуари масаласи ва унда театрнинг аҳамияти, шаҳар мактабларининг театр ташкилотларига қатнаши ва бошқа бир қанча муҳим масалалар ўртага ташланди. Муҳокамада республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов, иқтидорли ёзувчи Тоҳир Малик, театрнинг бадиий раҳбари Олимжон Салимов, Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректори Ғайрат Шоумаров, драматург Шароф Бошбековлар сўзга чиқиб, толиби илмларни Ўзбекистонимизнинг ҳақиқий фуқаролари қилиб тарбиялашда театрнинг бугунги кундаги роли, унинг аҳамияти, мавқеи, обрўси хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Болажонларимизнинг театрга қатнаши борасида ўз ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп, — деди республика маданият ишлари вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов, — Театр азал-азалдан жамият тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган муқаддас даргоҳдир. Афсуски жумҳуриятимиздаги кўпгина ўрта мактабларда драма тўгараклари йўқ. "Келажакда драматик актёр бўлгим келади, қани, энди мактабимизда драма тўгараги бўлса-ю, қатнашиб ўрганиб борсам", — деб ёзишади, айрим ўқувчилар, ўз мактубларида. Тўғри, болалар учун драма тўгараклари жуда ҳам зарур. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Мен ўзим сабоқ олган мактабда драма тўгараги бўлмаганда, 12-13 ёшли ўспирин йигитча ўзи билмаган ҳолда иқтидоримни намойиш эта олармидим? Драма тўгараклари шунинг учун ҳам зарурки, ҳозир ҳам санъатни, ўғил-қизлардаги истеъдодни тушунмайдиган, санъаткор бўлишига йўл қўймайдиган ота-оналар бор. Бу хусусда ҳам мен болажонларимиздан жуда кўп мактублар оламан. Ана шундай пайтларда мактабларда ташкил қилинган драма тўгараги раҳбарлари ўғил-қизларга ёрдам беришлари керак. Республика Маданият ишлари вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги ходимлари бу муҳим масалага эътибор беришлари лозим. Яна қўшимча қилиб шуни айтиб ўтиш керакки, томошабинлар ўртасида мактаб ўқувчилари жуда ҳам кам. Толиби илмларни ташкилий равишда театрларга вақти-вақти билан келиб туришлари уларнинг маданий савиясини, фикрлаш қобилиятини оширишга ёрдам берган бўлур эди.

Томошабин камлигининг яна бир сабаби шуки, кўпчиликнинг кулгили латифалар, енгил-елпи, чалама-чатти мусиқаларга томошаларга ўрганиб қолаётганлигида. Театрга фақатгина хандон отиб кулиш учун борилмайди-ку, ахир. Зотан, театр — яшашни, курашни ўрганиш, кўрганларинг ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўриш, ҳаяжонланиш ҳамда туйғуларни тарбиялаш масканн.

Бу фикрларни тадбир сўнгида ёзувчи Ҳабибулла Ҳакимовнинг "Минг бир кеча", Тоҳир Маликнинг "Заҳарли томчилар", "Алвидо болалик" саҳна асарлари намойиши яққол тасдиқлади. Бу кўринишлар театр мухлислари олқишига сазовор бўлди. Спектакллардаги асосий ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Лутфулла Саъдуллаев, Гулчеҳра Саъдуллаева ва бошқа актёрлар маҳорат билан ижро этишди.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

Компьютерлаштириш —таълимни янгилаш омили

ИЗДОШЛАР КЎПАЙМОҚДА

Ҳозирги тараққиёт жараёнида ахборот турлари шунчалик кўпайиб кетдики, бу ахборотларнинг ҳаммасини йиғиш, уни қайта ишлаш инсонга қийинчилик туғдирмоқда. Бу борада кишига ахборот технологиялари: телекслар, телетайплар, телефакслар, радиотелефонлар, компьютерлар жуда катта ёрдам бермоқда. Шу боис ўғил-қизларнинг компьютер саводхонлигини оширишга жиддий киришдим.

Дастлаб ўқувчилар билан биргаликда турли хил дастурлар тузиш устида ишлай бошладик. Ҳозирги кунда биз тузган дастурлар сони 250 дан ошди. "Агат" компьютери билан ишлаш фақат ўқувчиларда эмас, ўқитувчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Инглиз тили муаллими Аҳмад Назиров, рус тили ўқитувчиси Нормурод Умаров, жуғрофия фани ўқитувчиси Тўра Сафаров, биология муаллими Зиёд Шарипов сингари ҳамкасбларим ҳам фанларига доир талайгина дастурлар яратишиб, дарс давомида компьютерлардан фойдаланишаяпти.

Компьютерга қизиқиш бошланғич синф ўқитувчиларида ҳам куртак ота бошлади. Истак Шодиқулова, Бўри Полвонов, Тўйчи Абдурасулов сингари бошланғич таълим усталари ҳам болаларнинг ёш хусусиятига мос дастурлар тайёрлашди. Болаларнинг копьютерларга қизиқиши катталарга нисбатан анча кучли. Шу боис улар мураккаб техникани қийналмай тез орада ишлата олишаяпти.

Мактабда компьютерга қизиқувчилар сафи кенгаяётганини ҳисобга олиб "Ёш дастурчи" тўгарагини ҳам ташкил этдик. Бу тўгаракка йигирмадан ортиқ юқори синф ўқувчилари қатнашади. Зафар Жумаев, Лазиз Ҳамроев, Сайфулло Худойбердиев, Хуршид Бозоровлар яратган "Газ қонунларини ўрганиш", "Спрайтлар муҳаррири", "Мураккаб сўзларни ўрганамиз", "Мусиқа жавони", "Ўйла, изла, топ!", "Мўлжалга тўғри олинг!" каби дастурлар бошқаларда ҳам катта таассурот қолдирди. Айниқса, "Ўйла, изла, топ!" компьютер ўйини тез орада оммалашиб кетди. Бу ўйин "Чархпалак" ўйинига ўхшаш бўлиб, у компьютерда бежарилиши ва бошқа афзаллик томони билан ундан фарқ қилади.

Ўқув йили охирида маълум дастур асосида барча синов имтиҳонларини компьютерда ўтказмоқчимиз. Бунинг учун ҳозирданоқ тайёргарлик кўриш ишларини бошлаб юбордик. Ўтган ўқув йилида ўтказган синовларимиздан ўқувчилар асло ранжишмади. Чунки, компьютер "таниш-билишчилик"ни тан олмйди. Бу қатъиятлилик эса барчага манзур бўлмоқда.

Фанларни компьютер асосида ўқитиш – давр талаби. Фарзандларимиз фақат электрон ҳисоблаш-машинасида бир ёки икки фанни ўрганибгина қолмай, барча фанларни ҳам бу мураккаб техникаларда бажаришни билишса, бу уларнинг ўзлари учун ҳам, келажаги буюк давлатимиз равнақи учун ҳам зарурдир.

Фахриддин ЖОНИЕВ,
Касби туманидаги 40-мактаб информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фани ўқитувчиси.

Тарбиячи-95

ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИ АНИҚЛАНДИ

Алихон қишлоғида Чортоқ тумани тарбиячиларнинг "Тарбиячи-95" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда тарбиячиларнинг педагогика ва психология бўйича билимлари синаб кўрилди. Ҳайитой Маматова, Зоҳида Назарова, Замира Сотволдиева, Розия Ҳакимовалар, бу борада билимли эканликларини кўрсатишди. Шундан сўнг улар мусиқа соҳасида ҳамда кўргазмали қуроллар бўйича маҳоратларини намойиш қилишди. Қисқа муддатда мато парчалари, қоғоз, пластилин, картондан ясалган эртак қаҳрамонлари барчани қизиқтирди. Кўрик-танловда 10-болалар боғчаси тарбиячиси Розия Ҳакимова ғолиб деб топилди. Унга ҳомий ташкилот Ўзбекистон — Афғонистон қўшма корхонасининг қимматбаҳо совғаси топширилди.

Ў.МЎМИНОВ,
Наманган вилоят Чортоқ туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси.

МАЗМУНЛИ ЎТДИ

Биз, республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарларидан келган бир гуруҳ ўрта мактаб директорлари А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтининг навбатдаги бир ойлик курсида таълим олдик ва кўпгина янгиликлардан бохабар бўлдик. Жумладан, бошқарув, ҳужжатлар юритиш, ўқитувчилар билан битим асосида ишлаш, дарсларни таҳлил этишда раҳбар услуби, тарбияни бугунги кун масалалари билан боғлашда бозор иқтисодиёти таълими, мактабда экологик тарбияни ташкил этиш, замонавий раҳбар маънавияти каби соҳалар бўйича янгиликларга эга бўлдик. Ўқув давомида мактабларда бўлиб, илғор тажрибаларни ўргандик. Шунингдек, институт қошида ташкил этилган даволаниш масканида саломатликни мустаҳкамлаш бўлими ходимлари назорати остида соғлигимизни ҳам тиклаб олдик. Айниқса, республика халқ таълими вазири Ж.Ғ.Йўлдошев билан ўтказилган халқ таълимининг долзарб масалалари ва истиқболларига бағишланган мулоқот, Голландия университетининг ректори Ханенбергнинг бозор иқтисодиёти, чет эл мактаблари ҳақидаги маърузалари, А.Қодирий ижодининг кенг тарғиботчиси, туркиялик ҳамюртимиз Жўра Бўтакўз, Абдулла Қодирийнинг ўғли Маъсуд Қодирий ва ёзувчи номидаги жамғарма раиси, адиб Тоҳир Малик билан бўлган учрашувлар дунёқарашимизни, маънавиятимизни янада бойитди.

Сирасини айтганда, А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида олиб борилаётган таълим-тарбия ва ташвиқот ишлари мақтовга лойиқдир. Биз тингловчилар институт маъмуриятидан ҳамда мактабшунослик кафедрасининг мудири Х.Абдуллаев, курс раҳбари А.Шукуров, маърузачилар — психология фанлари номзоди М.Қоплонова, профессор З.Афзалов, Б.Зиямуҳамедов, тарих фанлари номзоди Ғ.Маҳмудназаров, катта ўқитувчи М.Аслоновалардан беҳад мамнунмиз. Мазмунли ўтган бу сабоқлар иш фаолиятимизда ижобий самаралар беради, албатта.

Неъматилла ҒАЙБУЛЛАЕВ,
Поп тумани А.Навоий номидаги 36-мактаб директори.

ХОРИЖДА ҲУНАР ТАЪЛИМИ

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш учун кенг имкониятлар юзага келди.

Яқинда ҳунар-техника билим юртлари ходимлари малакасини ошириш институтида "Хорижда ҳунар таълими" мавзусида ўтган семинарда тажрибалар тўғрисида кенг фикр юритилди. Ривожланган мамлакатлар қаторида турувчи Германия, Франция, Англия каби мамлакатлардаги ҳунар таълими тўғрисида маърузалар тингланди.

Айниқса, яқинда Германия сафарида бўлиб қайтган республика Ўқувметодика маркази ҳунар-техника таълими бўлими бошлиғи С. Бобожоновнинг "Германияда ҳунар-таълими тизими тўғрисидаги" маърузаси малака оширишга келган тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Бир сўз билан айтганда, бундай тадбирларнинг ўтказилиши илғорлар тажрибасини яқиндан ўрганиш ва республикамиз ҳунар таълимига жорий этишда муҳим ўрин тутади.

Б. НУРИДДИНОВ,
З. АҲМЕДЖАНОВА.

Маорифимиз фидойилари

МУРАББИЙ

Халқ таълими соҳасида 40—50 йилдан бери сидқидилдан хизмат қилиб, маорифни ривожлантиришга беминнат ҳисса қўшиб келаётган фидойи инсонлар жуда кўп. Сирдарё вилоятида тажрибали, ташаббускор ва ўз фанининг фидойилари ҳақида гап борганида Миразим Йўлдошевнинг номи биринчилар қаторида тилга олинади. Камтарин муаллимнинг эл ҳурматига сазовор бўлганлиги бежиз эмас, албатта. Ҳаётининг қирқ бир йилини ёшлар тарбиясига бахшида этиб, фаолиятида фидойилик кўрсатиб келаётир.

Сирдарё тумани халқ таълими бўлими ҳаракатчан ва билимга чанқоқ М. Йўлдошевни Ҳамид Олимжон номли 7-ўрта мактабга йўллаганида ҳали у анча ёш эди. Кейинчалик унинг бутун тақдири шу билим даргоҳи билан чамбарчас боғланиб кетди. Болаларга сабоқ бериш жараёнида бир қатор қийинчиликларга дуч келди, танлаган касбини тўла-тўкис эгаллаш учун олий ўқув юртида чуқур билим олиш кераклигини ҳис этди. Мактабда ишлаш билан бирга Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти сиртқи бўлимини муваффақиятли тугатди. Йиллар ўтган сайин таълим-тарбиянинг ўзига хос жиҳатларини тўла ўзлаштириб, ташкилотчилик ишларида ҳам жамоа ўртасида обрў топди. Миразим ака қайси вазифада ишламасин, ўқитиш услубига янгиликлар киритиш, таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади.

Унинг ибратли хислатларидан бири — педагогикада тўплаган тажрибаларини ҳамкасблари ва ёш муаллимлар билан баҳам кўришдир. Бу борада у вилоят, туман газеталарида қатор чиқишлар қилиб, таълим жараёнини такомиллаштиришнинг муҳим омиллари, бир соатли дарс сабоғи билан кўпчиликнинг диққатини тортиб, муаллимларни ёшларга сабоқ беришда изланиш ва ташаббускорлик кўрсатишга ундаб келади. Камтарин муаллим раҳбарлик бобида ҳам ўзига хос хислатга эга. Ўн йилдирки, Ҳ. Олимжон номли мактабда директорлик қилиб келади. Ўтган йилларда мактабда ўқув услуби янги поғонага кўтарилиш билан бирга, жамоа фаолиятида ҳам, мактабни замонавий техника воситалари билан таъминлашда ҳам катта ўзгаришлар, салмоқли ишлар қилинди. Буларнинг барчасида Миразим ака бош-қош бўлиб келаётганлиги педагоглар аҳлини янада самарали меҳнат қилишга ундаяпти.

С. САЙДАЛИЕВ.

Ўсмир ва Қонун

СИРҒА "ОШИҒИ"

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида кечки соат 19 лар чамаси Тошкент давлат Техника университети 4-курс толибаси Х.М.нинг қулоғидаги тилла сирғасини узиб олиб қочган олғирни милиция ходимлари қўлга олишди. Ҳози да бу ҳаракатга доир тергов ишлари олиб борилмоқда.

ТАНИШ-БИЛИШЧИЛИК БАҲОНА

Йўқ, улар таниш-билишчилик билан ҳамкорл кда биронбир иш битиришгани йўқ. Аксинча, бир-бирини... "Пахтакор" стадиони ечиниш хонасини бузиб кирган 1970 йилда туғилган Р.Р. ва 1973 йилда туғилган Б.А. ўз танишлари бўлмиш жисмоний тарбия институти толибаси П.Е. нинг спорт кийимларини "тунаб" кетишаётганда тартиб посбонлари томонидан далилий ашё билан ушланди.

БОСҚИНЧИ УЗОҚҚА КЕТОЛМАДИ

Тошкент шаҳридаги Чилонзор-18 даҳасида яшовчи ўқитувчи Е.С. нинг уйига тушлик вақтида ўзини электр тармоқлари идорасининг хизматчиси деб таништирган номаълум шахс кириб келади. Босқинчи 6-синф ўқувчиси С.га пичоқ ўқталиб қўрқитади ва унинг оёқ-қўлини боғлайди, сўнг уйдан иккита хориж костюми ва бошқа қимматбаҳо буюмлар солинган икки сумкани тулдириб, олиб чиқиб кетади.

Туман милиция бўлими ва бош бошқарма тезкор вакилларининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари натижасида босқинчи ушланди. У ҳеч қаерда ишламайдиган ва илгари ҳам босқинчилик жинояти учун қамалган Р.Т. эканлиги маълум бўлди.

ФИРИБГАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Юнусобод туманида яшовчи, Тошкент давлат техника университети толибаси Х.Э.ни содда билиб, 14 хил тилла тақинчоқларини алдаб олиб кетган фирибгар ҳақида хабар топган 4-шаҳар милиция бўлинмаси ходимлари найрангбозни қўлга олишга муваффақ бўлишди. У ҳозирда ҳеч қаерда ишламайдиган, 1968 йилда туғилган П.А. экан. Унинг барча ножўя хатти-ҳаракатлари юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

БЕМОРЛАР РИЗҚИГА ЧАНГ

Гулханий кўчасида жойлашган сил касалликлари институти ошхонасига ярим тунда ўғри тушди. У шоша-пиша музхонада турган 25 килограмм гўштни олиб чиқиб кетаётганди.

Шайхонтоҳур туман осойишталик посбонлари институт дарвозасидан ошмоқчи бўлиб турган шубҳали шахсни ушлаш чорасини кўришди. Аниқланишича, беморлар ризқига чанг солган бу шахс ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган, 1980 йилда туғилган С.А. эканлиги маълум бўлди. Суриштирув ишлари давом этмоқда.

ЎЗ ФАОЛИЯТИ УЧУН

Тошкент шаҳар Сирғали-2 даҳасидаги 6-мактабнинг кимё кабинетига ўғри тушди. У 1962 йилда туғилган касби-корининг тайини йўқ Сергей деган кимса экан. Тарози билан микроскопни ўмармоқчи бўлган Сергей уларни ўз фаолиятида ишлатмоқчи бўлган. Жиноятчи Сирғали тумани ички ишлар бошқармасининг жиноят қидирув бўлинмаси томонидан қўлга олиниб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси матбуот хизмати ходими.

Тошкент вилояти педагогика билим юрти жамоаси физика-математика фани ўқитувчиси М.Холмирзаевга онаси

Рўзби ХОЛМИРЗАЕВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Бухоро педагогика билим юрти директори Қ. Шодиевага отаси

Сайли ШОДИЕВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими шу бўлим назоратчиси З.Азизовага отаси

Зокиржон ТУРСУНОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Эски жува" савдо уйи хусусий фирмаси ўз фаолиятини тўхтатади. Даъволар эълон чиққандан сўнг бир ой давомида қабул қилинади.

КАТТА ТАНАФФУС

Олтин сандиқ

Али САФИЙ

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

Али Сафий ҳақида қисқача маълумот: у XV асрда яшаб ўтган тожик шоири ва тарихчиси. Али машҳур ёзувчи ва олим Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғлидир. У "Латоиф-ут-товоиф" китобини ёзди. А. Навоий Али Сафийнинг билимдонлигини, одамийлигини таъкидлаб ўтган. Али Сафий Жомий билан ҳам кўп бор мулоқотда бўлган. Қуйида "Ибратли ҳикоятлар"дан парчалар эълон қиляпмиз.

***

Подшоҳ Хисрав Парвиз севимли рафиқаси Ширинга деди:

— Ҳукмдорлик яхши иш, қани эди у доимий бўлса.

— Агар у доимий бўлганда, сизга тегмай қоларди: — жавоб берди Ширин.

***

Донишманддан овқатни қай вақт тановвул қилиш афзаллигини сўрадилар.

— Бой қачон ҳоҳласа, камбағал қачон топса, — деди донишманд.

***

Донишманддан сўрадилар:

— Қандай овқат мазали ва ардоқли.

— Очлик, — дея жавоб қилди донишманд — қачонки одам оч қолса, ҳар қандай егулик унинг учун хушбўй ва мазали бўлади.

***

Кунлардан бир кун бой донишмандга деди:

— Менда юз олтин динор бор. Уларни сизга бермоқчиман. Сиз бунга нима дейсиз?

— Берсангиз Сизга яхши, бермасангиз менга. Агар олтинларни берсангиз мен бир умр сизга қарам бўламан. Бермасангиз сизга тобе бўлишимга ҳожат йўқ.

***

Донишмандни базмга таклиф этишди. У ерда бир ҳофиз бемаза овозда қўшиқ айтарди. Бу меҳмонларга ёқмади. Шунда донишманд деди:

— Доноларнинг қадимий китобида ёзилишича, бойўғлининг қичқириғи ўлимдан хабар берар экан. Агар шу ҳақиқат рост бўлса, мана бу ҳофизнинг бақириғи бойўғлининг ўлимини маълум қилади.

***

Жангчининг отини ўғирлаб кетишди.

— Айб ўзингда, яхшилаб боғламагансан! — деди кимдир.

— Ҳаммасига хизматкоринг айбдор, у отхона эшигини очиқ қолдирган! — деди бошқа бировни.

— Ҳа, ҳамма айб бизда, биргина ўғри айбсиз, — деди жангчи.

***

Бир бой киши тириклигида ўзига мақбара қурдирди. Қурилишга бир йил вақт кетди. Хўжайин мақбарани курган устадан бинода яна нима камлигини сўради.

— Сиз камсиз муҳтарам зот, — деди ҳозиржавоблик билан уста.

***

Шайх Камол кўпинча шеърларида "ит" сўзини ишлатарди. Ҳасан Деҳлавий шеърларида эса "маҳбубам" сўзи кўп учрайди. Бир шоир бу иккаласининг шеърлари битилган китобни шеърият мухлиси қўлида кўрди. Шоир у кишига деди:

— Уларни ажратиб, бир-биридан узоқроқ қўйинг. Йўқса Камолнинг итлари Ҳасаннинг маҳбубаларини ғажиб ташлайди.

***

Кунлардан бир кун Анварий бозорда тўпланган оломонни кўрди. У ерда аллақандай кимса Анварийнинг қасидаларини ўқир эди, Анварий унга яқин бориб сўради:

— Кимнинг шеърларини ўқияпсиз?

— Анварийнинг шеърларини.

— Сиз уни танийсизми?

— Ғалати савол бўлди-ку. Анварий — бу менман.

Анварий кулиб юборди ва деди:

— Шеър ўғриларини эшитганман, лекин шоир ўғрисини биринчи кўришим.

Жарқўрғон тумани Фурқат номидаги мактаб ўқитувчиси Жума УСМОНОВ тайёрлаган.

Абдулла ТУРДИЕВ:
"ЭЛЛИККА КИРДИМ ДЕСАМ — ДЎСТЛАРИМ ИШОНМАЙДИ..."

Бугун дўппини бошдан олиб, шундоқ... ўйлаб қарасам, 50 баҳорни кўриб қўйибман. Лекин баъзи бир дўстларим "Ҳали сиз элликка кирганга ўхшамайсиз!" деб эътироз этишмоқда.

Бу эътирозларга менинг шеърий жавобим қуйидаги сатрлар:
Билакларда илоҳий куч бўлса ҳам агарда,
Тушовлаб бўлмас ахир, умрни — асов тойни.
Минг таассуб бўлсинки, ҳур гурунг давраларда —
50 га кирдим десам — дўстларим ишонмайди...

Кези келганда айтиб ўтмоқ жоизки, ҳар гал "Маърифат" газетаси муҳарририятига келганимда беихтиёр устозлар ҳақида ўйлайман. Дарвоқе, ким бўлмайлик, ҳар биримизнинг биринчи усозимиз — муаллим эканлигидан кўнглим тўлқинланади. "Маърифат" рўзномаси эса барча зиёлиларнинг, устоз-муаллимларнинг юксак ва ишончли минбари. Бу минбар — тарбия минбари, истиқлол ва истиқбол кошонасининг меъморларини камол топтирувчи қутлуғ дорилфунундир. Зеро, шундай экан, кичкинтой-болажонларга аталган шеърларимнинг айримларини газета саҳифаси орқали муаллим-педагогларимиз эътиборига ҳавола этмоқдаман. Буни ижодкор бир шогирднинг сиз, зиёли аҳлига, қолаверса, боғча ва мактаб ёшидаги не-не болажонларга эҳтироми деб билгайсиз!

•

Шоирнинг юқоридаги фикрларига яна шуни қўшимча қилиб айтиш лозимки, самимий шоир, самимий инсон Абдулла Турдиев Иштихон туманининг исми жисмига монанд Зарбанд қишлоғида туғилган. 1975 йили Тошкент давлат дорилфунунининг журналистика факультетини тугатиб, кўп йиллар шу даргохда журналист сифатида фаолият кўрсатган. Олийгохда чиқадиган кўп нусхали "Тошкент университети", "Журналист" газеталарида масъул вазифаларда ишлаган. Оилали.:, уч нафар фарзанди бор.

Айни пайтда "Қишлоқ ҳақиқати" рўзномасида ижодкор сифатида қалам тебратиб келаяпти. Катталар ҳақида ҳам, болалар ҳақида ҳам шеърлари бир-биридан ранг-баранг, ўқишли. Шоир ўз ижоди билан халқимиз орасида обрў-эътиборга эга.

"Маърифатнинг барча ўқувчилари ва ижодий жамоаси номидан шоирни қутлуғ 50 ёши билан самимий муборакбод этамиз.

АЙРОН

Овоз келар айвондан:
"Кунам қиздирди роса.
Ичарсан, деб айрондан
Тўлатиб қўйдим коса..."

Бир маҳал ошхонага
Кирса Нор терлаб-пишиб.
Дуч келиб остонада —
Югуриб чиқди мушук.

Чанқов қонмас — талқон еб,
Айрон-чи, йўқ — Нор ҳайрон.
— Вой, мушугим сутми деб —
Ичиб қўйибди айрон!..

"...МУСА... ДЕГАН БАҚА ЖЎҚ..."

Қозоқ дўсти Ўлжасга
Мактуб йўллади Дурбек.
Саволни басма-басга,
Рақамга тузди дурдек.

Хат бошида: "Ҳойнаҳой,
Омонмисан? — деб ёзди. —
Олов тафтида — уч ой,
Ўтказдинг қандай ёзни?..."

У шоир бўлиб кетар,
Кайфияти хуш куни.
Мактубда сўз — муаттар,
Яна қўшди ушбуни:

"Бир қуёшдан нур эмдик,
Жуфт чинорни ўйлаймиз...
Бовурдошим, кел, энди —
Мусобақа ўйнаймиз!.."

Ўлжас-чи, олиб хатни —
Росаям бош қотирди.
Титиб чиқиб луғатни —
Хат ёзмоққа ўтирди.

"...Хатни ёздим довулда,
Тасир-тусир... довул ўқ.
Бизнинг қозоқ овулда —
Муса... деган бақа жўқ!!"

БАРМОҚ

-Қалам тутган қўлингда,
Айт-чи, нечта бармоғинг?
Хўш.. Сана-чи: бир... икки...
Хижолатда қолмагин.

Йўқса, меҳмон амакинг
Ўйлар — йўқ деб саводи...
Шунда "етти" рақамин
Тилга олади Шоди.

— Бир қўлда етти бармоқ,
Айт, бўлади, хўш, кимда?!
— Ахир беш бармоғимга
"Иккигизни қўшдим-да!!

ИҚТИСОД

—Мана, сенга ўн сўм пул:
Бозордан бир даста гул
Ва оласан бешта нон,
Бир кило писта хандон...
— Вой бў, дада, кам-ку пул,
Сотиб олсам агар гул —
Бошқа харжни нетаман,
Сизни хурсанд этаман. —
Пулингиз, — дейди Дилшод:
— Бўла қолсин иқтисод!..

ЧУМОЛИ

Нор деди: — Вой-бў, адашиб —
Қолибди бу чумоли...
— Э, қаёқда, тегирмонга —
Кетаяпти, — дер Доли...

Хамкасблар ижодидан

УЙҒОН, БОЛАМ!

Қизим ДИЛФУЗА хотирасига

Юрак бағри гул болам,
Жоним болам, жон болам.
Кел, юзингни кўрайин
Уйқудан уйғон, болам.
Кўриб туриб — кўрмайсан,
Билиб туриб — билмайсан.
Бу не уйқу қошингга
Онанг келса турмайсан.
Кўча тўла қиз келар,
Менинг қизим кўринмас.
Елкасини тўлдирган,
Сочлари қирқ ўримас.
Орзулари кўнглида
Сир кетган гул қизгинам,
Бу дунёга ҳур келиб,
Ҳур кетган гул қизгинам.
Гул жаннатдур маконинг,
Кетдинг абад уйқуга...
Кўнглим тўла армонинг
Ёқиб кетдинг мангуга...
Бу дунёда ҳеч сендек
Қиз кўрмадим қизгинам,
Ўзинг орзу қилгандек
Тўй қилмадим қизгинам...
Ой юзингга бир нафас
Ҳарир рўмол ўрмадинг,
Гул-гул кулиб муқаддас
Чимилдиққа кирмадинг...
Юрак бағри гул болам,
Жоним болам, жон болам.
Кел, бир юзинг кўрайин,
Уйқудан уйғон, болам!

Дилором ЖАВҲАРОВА, Шайхонтоҳур туманидаги 85-мактаб директори.

Ижод бўсағаси.

КИМЁ КРОССВОРДИ



Саккиз ҳарфли бу сўзларни белгиланган катакдан бошлаб соат стрелкаси йўналишида рақам атрофида ёзинг.

1. Атомнинг таркибий қисми. 2. Кимёвий идиш. 3. Ҳавонинг таркибий қисми. 4. Швед олими, электролитик диссоциаланиш назариясининг асосчиси. 5. Француз кимёгари. 6. Кимёвий элемент — ярим ўтказгич, радиотехникада ишлатилади. 7. Тошкўмир тури. 8. Озон олиш асбоби. 9. Нитроцеллюлозанинг этил спирти ва эфирдаги 4 фоизли эритмаси. 10 Модданинг асосий кимёвий хоссаларини сақлаган энг кичик зарра. 11. Лентаноидлар оиласига мансуб элемент. 12. Магнитли темир тош. 13. Физиологик актив азотли органик модда, ўсимликдан олинади. 14. Анод ва катоднинг умумий номи. 15. Симобнинг хлор билан бирикмаси. 16. Суюқлик зичлигини ўлчаш учун асбоб. 17. Ишқорий ер металларидан бири. 18. Металл — тез нейтронларнинг манбаси. 19. Қадимий мифологиядан ном олган элемент. 20. Чумоли альдегиднинг сувдаги эритмаси. 21. Газларга оид қонунни кашф этган италиялик олим. 22. Эритувчи сифатида ишлатиладиган углеводородлар аралашмаси. 23. Углерод ва водород аралашмаси. 24. Кальцийнинг бирикмаси, қурилишда ишлатилади. 25. Шакарнинг бошқа номи.

Тузувчи: Жўрабек ЭШОНҚУЛОВ, Самарқанд вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтининг услубчи ўқитувчиси.

ҲАДИК

Ҳажвия

Мактаб ўқитувчиларининг кенгашида кўрилган масалалар тугади. Йиғин раиси олдидаги қоғозларини йиғиштира бошлаган пайтда, назоратчилар гуруҳининг раиси Самариддинов қўл кўтарди.

— Ижозат бўлса, бир савол билан мурожаат этсам.. "Буям икир-чикир гаплари билан жонга тегди". Раис мактаб директори билан киприк қоқишиб, унга сўзлаш рухсатини берди.

Самариддинов раҳбарларга кўз ташлаб олгач, босиқ овозда гапира бошлади:

— Жамоадан яширадиган сиримиз йўқ. Биз, агар тўғри тушунсам, бир мақсадли, бир отаонанинг фарзандларидекмиз. Шундай экан, мактабдаги, камчилик ҳар биримиз учун айб.

— Вақт, вақт кетаяпти, — лукма ташлади чўпдек озғин бошлангич синф ўқитувчиси, — уйда эмизикли боламиз бор.

— Хўш, айтмоқчиманки, — дадилланди ўқитувчи Самариддинов, — куни узайтирилган группага бир ойлик овқат тўлиқ берилмади. Директор Юсуф Маҳманазаров ўғил тўйини баҳона қилиб ўзлаштирган. Ошпаз Ҳайитгул Жумаева буни тасдиқлаши мумкин. Мени айбга буюрмайсизлар, ўзлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини аниқлаб, акт тузиб қўйдим. Тўққиз нафар ўқитувчи қўл ҳам қўйган. Мана!

Самариддинов қўйин чўнтагидан узунасига ёзилган акт матнини кенгашда ҳозир бўлганларга кўз-кўз қилиб ўтирди:

— Бўлди, гапим тамом.

Ғала-ғовур бошланди. Бировлар директорни болалар ҳақига қилган хиёнати учун айблаган бўлса, бошқалар Самариддиновни тирнок остидан кир қидиргани учун қоралади. Ниҳоят, ранг-рўйи оқариб, юзидан реза-реза тер оқаётган директор ўрнидан турди.

— Ўртоқ Самариддинов, — томоғи қақраб кетаётганидан тупугини аранг ютиб, титроқ овозда гапирди директор. — Мен сизга нима ёмонлик қилдим. Дарс соатларингиз етарли бўлса, таҳлилига кирмасам... Қолаверса, мен туфайли мактабни ёмонотлиққа чиқарманг, илтимос. Зарурият туғилди, қийналганимдан ишлатиб юборувдим. Айбимга иқрорман. Жамоа қандай қарорга келса, мен розиман.

Жимлик. Кекса ўқитувчи Сайдулла Қосимов оппоқ сочларини қўли билан тартибга келтириб ўрнидан турди:

— Директорнинг бу ўзбошимчалиги менга ёқмади, ўртоқлар. Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга солодур, деган мақол бор. Ҳаммаларингни ўқитганман. Ўйлайманки, устоз сифатида ҳурмат қиласизлар. Таклифим битта: ўзлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари мактаб ошхонасига қайтарилсин. Самариддинов масаласига келсак, директор яраш оши уюштирсин. Актни зиёфат устида йиртиб ташлаймиз.

Бу фикр ҳаммага маъқул тушди.

— Хўш, Самариддинов, сиз нима дейсиз? — кекса ўқитувчи шогирди Самариддиновни турғазиб сўради.

— Маъқул, — деди Самариддинов кўпчиликнинг бетига оёқ қўймай. — Кўп эпласа, хон туясини сўйган...

— Директорнинг қўйи бор, — тамаки тутунидан қоракуяга айланиб қолган тишларини кўрсатиб қочирик қилди математика ўқитувчиси. — Шахсан мен розиман.

Шу билан кенгаш тугади. Ҳамма уй-уйига тарқалди.

Орадан икки ой ўтди. Бўлиб ўтган воқеа ҳамманинг ёдидан кўтарилди. Ўқитувчиларнинг навбатдаги кенгаши ниҳоясида яна Самариддинов ўрнидан туриб, сўз сўради.

"Оббо ҳумпар-эй, яна бир чигал ишни топганга ўхшайди", — кўнглидан ўтказди директор.

— Ўртоқ Самариддинов, — кенгашда ноилож ўтирган биология ўқитувчиси қизишиб гапирди. — Ҳар кенгашда гапиришингиз шартми? Қўлим бор деб кўтаравераси зми? Кўпчиликнинг уйда қиладиган иши бор. Масалан, мен карамдан ачитқи қилмоқчиман.

Самариддинов биология ўқитувчисининг лукмасига эътибор қилмади. Кўпчилик "гапирсин, майли гапирсин!" дейишди.

— Аввало узр, кўпчиликдан узр сўраб гапирди Самариддинов. — Менинг сўзим кенгашда кўрилаётган масалалардан қимматлироқ бўлса керак. Қишлоқ советидан ҳар ойда тўланадиган хўжалик тўлови ҳақида гапирмоқчиман. Мана, бир йил давомида бу пулнинг дараги йўқ. Аммо к мга, нимага ишлатилганини ҳеч ким билмайди. Балки, хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари билан мактаб директори бу пулни нимага ишлатганларини айтиб беришар?..

Директор ўрнидан туриб кетди:

— Оббо Самариддинов-эй. Бунчаликка борасиз деб ўйламагандим, Билиб қўйинг, хотин томондан қариндошчилигимиз бор. Ҳурматингиз учун илгари сафар харж қилиб, зиёфат уюштирдим. Инсоф ҳам керак-да. Болачақали одамман.

— Тузган актни терговга топшираман.

Самариддинов бошқа ломмим демай ўтирди. Директор унинг қатъий сўзлигини биларди. Олдинги сафардагидай жамоага мурожаат этди:

— Жамоа катта куч. Бир муштдан урса ўлдиради. Олдиларингда уятлиман.

Яна кекса ўқитувчи ўрнидан турди:

— Директор, ўрнингиздан туринг. Айбингизга иқрормисиз? Ҳа, баракалло. Бир муштдан урсак ҳам ҳақимиз кетмас экан. Айбни тан олиш, мардлик. Лекин, билиб қўйинг, ўртоқ директор, кўза кунда синмайди. Самариддинов, сиз энди ўрнингиздан туринг.

Самариддинов ўрнидан туриб, стол устида ёзилган газетага бармоғи билан чизиқлар чизиб турди.

— Ўғлим, устоз — ота каби улуғ, — дона-дона қилиб гап бошлади кекса ўқитувчи. — Сўзимни шу дафъа ҳам қайтарманг. Бурнимиз ёмон бўлса кесиб ташлай олмаймизку?! Қилган хатосини тан олаяпти. Ўша пулларни қайтаради. Сиз эса Зокиржон, директор билан ярашинг. Биз қишлоқнинг ақлли кишиларимиз. Мактабдаги нохуш гап ташқари чиқмаслиги керак. Биздан бошқалар нафратланишади.

— Майли, кечирдим, устоз.

— Ўртоқ директор, — директорга мурожаат этди кекса ўқитувчи, — Самариддиновнинг олижаноблиги ҳамкасбларининг, қолаверса, мактабнинг ҳурмати учун бўлса керак. Зокиржонни сиз билан яраштирайлик...

Ҳамма қарсак чалиб, маъқуллади.

Орадан яна икки ой ўтди. Навбатдаги педкенгашни ўтказиш куни тобора якинлашаяпти. Юрак олдириб қўйган директор Самариддиновнинг оёқ олишини кузатиб юрибди. Руҳиятида ҳеч қандай ўзгаришни сезмади. Ҳамиша бир хил кайфиятда юрибди.

Ниҳоят, навбатдаги кенгаш иш бошлади. Йиғилиш охирида яна Самариддинов қўл кўтарди:

— Илтимос, бир оғиз гапиришимга рухсат беринг.

Йиғилиш раиси директорга қаради. Қаради-ю, кўзлари кўркувдан катта-катта очилиб кетди: Директор — Юсуф Маҳманазаровнинг боши эгилиб, гавдаси бир томонга оғаётган эди.

— Ёрдам, ёрдам беринглар, ўртоқлар!

Тўрт-беш киши директорни очиқ ҳавога олиб чиқдилар. Директорнинг боши айланиб, кўнгли беҳузур бўлганидан қайт қила бошлади. Кекса ўқитувчи ўрнини тарк этмай, жим турган ўқитувчилар олдида шогирди Самариддиновга танбеҳ берди:

— Ўрганган кўнгил-да, ўғлим. Бекор қўл кўтариб, сўз сўрадинг. Бир одамнинг ҳаёти пул-молдан азиз эмас-ку?!

Ўқитувчилар Самариддиновни ўраб олиб, ғаламисликда айблай бошладилар.

— Андишасиз! Доимо ғўнг титкилаб юрасан. Ижтимоий фойдали меҳнатдан тушган сўмларни гумдон бўлганини гапирмоқчи бўлдинг-а?

— Йўқ! — деди тарих ўқитувчиси ғазаб билан. — Бу киши ҳар ойда маошимиздан ушлаб қолинаётганини директорнинг юзига солмоқчи бўлдилар. Шундайми? Қаранг, арзимас нарса учун шундай яхши одамнинг асабини бузиб ўтирибсиз-а?

— Э, йўқ! — қўл силтаб гапирди меҳнат ўқитувчиси азбаройи жаҳли чиққанидан оғзидан тупук сачратиб. — Муҳтож болалар кийим-кечаги учун ажратилган пулдан кам келганини айтмоқчи бўлдилар. Ўргилдим сиздек ҳақиқатчидан!

— Қизишманглар, Самариддиновга рўбарў бўлиб гапирди жисмоний тарбия ўқитувчиси. — Директор кимга ёмонлик қилган, айтинг. Янги йилда совға учун касаба уюшмаси томонидан берилган етмиш сўм пулнинг ярмини директор байрам қилиб берганини ҳаммамиз биламиз-ку. Сиздай ҳурматсизлик қилиб, жар солмаймиз, оғайни. Шуни назарда тутган бўлсангиз, хато қиласиз.

— Мен биламан! — гердайиб, билағонлик қилди физика ўқитувчиси. — Кўмирхона шиферини шамол учирди, деб ёлғондакам акт тузиб, олинган эллик дона шифер билан директор ошхона ёпганини гапирмоқчи бўлдилар. Тўғри, топдимми, ўртоқ Самариддинов?

— Йўқ! Тўғри мен айбдорман, — деди хижолатдан қизариб кетган Самариддинов ўзини ёмонлаётган ўқитувчилардан узр сўраб. — Лекин мен аҳволи оғирлашиб қолган отамни касалхонага олиб бориш учун директордан уч кунга жавоб сўрамоқчи эдим, холос.

Бу гапни эшитиб, ўқитувчиларнинг оғзи очилиб, кўзлари чақчайиб қолди.

Турсунбой БОЙМИРОВ, Қамаши туманидаги М. Турсунзода номидаги ўрта мактабнинг ўқитувчиси.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Ғафур Маннопов, Шарофат Норқулова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—0023. 47894 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6